
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ 5 НОЯБРЬ КУНИ МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ТАРМОҒИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЭКСПОРТИНИ ОШИРИШ, АҲОЛИ ТОМОРҚАСИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН ВИДЕОСЕЛЕКТОР ЙИҒИЛИШИ ЎТКАЗДИ.

HUQUQ

1997-yil 27- avgustdan chiqa boshlagan • www.huquq.uz • e-mail: info@huquq.uz • 2019-y. 7-noyabr, №45 (1190)



ҚУРИЛИШ СОҲАСИДА 318 КИШИ ЖИНОИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИЛГАН. **3-БЕТ**

35 МЛРД. СЎМДАН ОРТИҚ ТЕРИМ ПУЛИ ЎЗ ВАҚТИДА ТЎЛАНМАГАН. **4-БЕТ**

МУҚАДДАМ ЕТТИ МАРТА СУДЛАНИБ, ЯНА ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРГАН ОНА ФАРЗАНДЛАРИГА ҚАНДАЙ НАМУНА БЎЛАДИ? **6-БЕТ**

ТЎРТТАДАН ҲОЛАТДА ҲОКИМИЯТ ВА БАНК ХОДИМЛАРИГА НИСБАТАН ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИЛГАН. **8-БЕТ**

БОШ ПРОКУРОР ФУҚАРОЛАРНИ ТИНГЛАДИ



2019 йил 1 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Ниғматилла Йўлдошев видеоконференция алоқаси орқали фуқароларнинг қабулини ўтказди.

Қабулда 18 нафар жисмоний шахс ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиниб, уларнинг мурожаати тингланди (мурожаатларнинг 8 таси суд масалаларига, 5 таси прокуратура ва 2 таси ички ишлар органлари тергови ва терговга қадар текширувига, 3 таси ижтимоий-иқтисодий соҳадаги бошқа масалаларга оид).

Бош прокуратура томонидан жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ҳамда мурожаатларини кўриб чиқиш борасида ишлар давом эттирилмоқда.

ОТ ЧОПАРНИНГ ЙЎЛЛАРИДА ЧОПСА ҲАМ ҚОҚИЛАДИ



ДЕЯРЛИ ҲЕЧ НАРСА ҚИЛИНМАГАН МАҲАЛЛА «ОБОД МАҲАЛЛА» ДАСТУРИНИ «БОШИДАН КЕЧИРДИ».

5-бетда





«HUQUQ»DA CHOP ETILGACH...

Газетамизнинг 2019 йил 26 сентябрь кунги 39-сонида "Ёзувчи"лар кўпайиб кетди: Фарғона шаҳар ҳокимлиги қабулхонасида мурожаатлар билан ишлашга масъул ходимнинг савияси лол қолдирди" сарлавҳали мақола чоп этилган эди. Унда Фарғона шаҳар "Мустақиллик" МФЙдаги электр трансформаторини алмаштириш, кўчаларни ёритиш ва мактаб қурилиши билан боғлиқ муаммолар ёритилган.



ЁРУҒЛИК ЭНДИ ЁРУҒ БЎЛАДИ

Мазкур ҳолатлар Фарғона вилояти прокуратураси томонидан кўриб чиқилди. Мақола юзасидан олиб борилган ўрганишлар давомида вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси ва "Сувокова" ДУКнинг "Мустақиллик" маҳалласига оқова сув тармоғи 2020 йилнинг 1-чорагида тортилиши ҳақидаги хулосалари олинди.

Шунингдек, мактаб қурилиши муаммоси ҳам ечимини топадиган бўлди. Хусусан, 420 ўринли мактаб биноси учун ер танланиб, келаси йил инвестиция дастури доирасида қурилиши учун Ёруғлик кўчасида жойлашган 1,52 гектар бўш ер шаҳар ҳокимлиги захирасига қайтарилган.

Қувонарлиси, вилоят транспорт бошқармаси ташаббуси билан мазкур маҳаллага қўшимча равишда йўналишли транспортлар қатнови йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, маҳалла ҳудудидаги Ёруғлик кўчасини тунги чироқлар билан таъминлаш мақсадида вилоят электр тармоқлари корхонаси томонидан темир-бетон таянчлар ўрнатилмоқда. Кўриниб турибдики, "Huquq" газетасида чоп этилган мақола мутасаддиларни бефарқ қолдирмади.



БОШ ПРОКУРАТУРА НИГОҲИДА

Прокуратура органлари томонидан ОАВ ва ижтимоий тармоқларнинг кунлик хабарлари мониторинг қилиниб, прокуратура органлари аралашувини талаб қиладиган қонунбузилишлар ҳақидаги хабарларнинг тўлиқ ва атрофлича кўриб чиқилиши таъминланмоқда.

САЙЁР ҚАБУЛЛАР ХЎЖАКЎРСИНГА ЭМАС

Аввал хабар берилганидек, Бош прокуратура раҳбарияти томонидан сайёр қабуллар орқали аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни кенгайтириш, долзарб муаммоларни аниқлаш ва бартараф этишга қаратилган тадбирлар тизимли равишда олиб борилмоқда.

Бунда ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалардаги муаммоларни бартараф этишга кўмаклашиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мисол учун, Бош прокуратура раҳбарияти қабулида бўлган С.Раҳматуллаев ва бошқаларнинг мурожаати кўриб чиқилиб, унга асосан А-373 Тошкент – Ўш халқаро автомобиль йўлининг Наманган вилояти Поп тумани Пунгон қишлоғидан ўтган қисмида "Ҳаракат хавфсизлигини таъминлашнинг техник воситалари" талаблари асосида секундомерли светофорлар ўрнатилди, йўлга чизиқлар чизилиб, "пиёдалар ўтиш жойи" белгилари ўрнатилди.

Шунингдек, Қорақалпоғистондаги "N.E." МЧЖ ҳисобчиси Ж.Есимбетовнинг мурожаатига асосан жамиятга хавфи юқори бўлган объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг олинишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Ўтказилган сайёр қабулларда келиб тушган мурожаатлар таҳлили, прокуратура органлари аралашуви билан қисқа муддатда ечимини топаётган муаммолар мутасадди корхона, ташкилот ва муассасаларнинг мансабдорлари ҳануз мурожаатлар билан ишлашда ўз вазифасини лозим даражада бажармаётганини кўрсатади.

Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими





ТУЗАЛИШ ИМКОНИЯТИ

Обиджон СОБИРОВ,
Фарғона вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Фарғона политехника институтида вилоят прокуратураси ташаббуси билан вилоят ИИБ пробация хизмати ва бошқа ҳамкор ташкилотлар иштирокида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган маҳкумларни ишга жойлаштириш ҳамда жазони ўташ даврида меҳнатга ҳалол муносабатда бўлган маҳкумларни муддатидан аввал озод қилиш масаласига бағишланган тадбир ўтказилди. 400 нафардан ортиқ маҳкум жамланган йиғилишда улар қайта жиноят содир этишининг олдини олиш борасида мутасаддиларнинг маърузалари тингланди.

Тадбир давомида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 70 га яқин маҳкум 50 дан зиёд корхона ва ташкилотдаги бўш иш ўринларига жойлаштирилиб, суд ҳукмида белгиланган жазони ўташ имкони берилди. Шунингдек, бўлиб ўтган сайёр суд мажлисларида 42 нафар маҳкум муддатидан аввал жазодан озод қилинди. 12 нафарининг эса жазо тури оғирроғига алмаштирилди. Жазодан озод қилинган ёшларнинг ҳар бирига китоблар совға қилинди.

Бундай тадбирларни вилоятнинг бошқа ҳудудларида ҳам ўтказиш чоралари белгилаб олинди.

МУШТУМЗЎРЛАР НИМАДАН НОРОЗИ?

Бир оиладан икки киши асоссиз равишда қамоққа ва бир нафари уй қамоғига олингани ҳақида "Facebook" тармоғида эълон қилинган маълумот юзасидан

МИБ ходимларини уйига киритмагани учун бир оиладан икки киши асоссиз равишда қамоққа ва бир нафари уй қамоғига олингани, бу ҳолатга прокуратура муносабат билдирмаётгани сабабли одамлар прокуратура олдига йиғилгани ҳақида интернетдаги "Facebook" тармоғида эълон қилинган маълумот Сурхондарё вилояти прокуратураси томонидан ўрганилди.

Аниқланишича, МИБ Шеробод тумани бўлими бошлиғи Б.Холлиевнинг 2019 йил 29 июндаги билдиргисига кўра бўлим давлат инспекторлари А.Эшонқулов, С.Фозилов ва П.Тайланов биргаликда 29 июнь куни тумандаги Ҳўрин Гиламбоб маҳалласи Дўстлик кўчаси 112-уйда яшовчи Б.Нормуродовнинг хонадонида электр энергияси бўйича қарздорлигини аниқлаш юзасидан кўрик ўтказаётган вақтда хонадон эгасининг фарзандлари У.Нормуродов, Л.Нормуродов ва Э.Бердимуродов хизмат вазифасини бажараётган инспекторларнинг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиб, А.Эшонқулов ва П.Тайлановни уриб, турли даражада жароҳат етказиб, вазифасини бажаришдан воз кечишга мажбур қилишган.

Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилган терговга қадар текширув натижасига кўра 3 июлда Шеробод тумани прокуратураси томонидан У.Нормуродов, Л.Нормуродов ва Э.Бердимуродовга нисбатан Жиноят кодексининг 219-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, гумон қилинувчи шахслар ЖПКнинг 221-моддасига асосан ушланган.

Тергов давомида Л.Нормуродов ва Э.Бердимуродовга 5 июлда айблов эълон қилиниб, қамоқ эҳтиёт чораси қўлланган. У.Нормуродовга 15 июлда айб эълон қилиниб, унга нисбатан уй қамоғи эҳтиёт чораси танланган.

Мазкур жиноят иши 14 сентябрда айблов хулосаси билан тамомланиб, судга юборилган ва бу ҳақда Шеробод тумани прокуратураси томонидан мурожаат муаллифига маълум қилинган.

Жиноят ишлари бўйича Шеробод тумани судининг 14 октябрдаги ҳукмига кўра У.Нормуродов, Л.Нормуродов ва Э.Бердимуродов Жиноят кодексининг 219-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилиб, Э.Бердимуродов ва Л.Нормуродовга иш ҳақидан 25 фоизини давлат даромадига ушлаб қолиб, 2 йилу 6 ой ахлоқ тузатиш иши жазоси, У.Нормуродовга 1 йил озодликни чеклаш жазоси тайинланган.

Бош прокуратуранинг жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот бўлими

АЧЧИҚ МАҒИЗ

ёхуд бобосини «ухлатган» набира

Халқимизда данагидан мағзи ширин деган нақл бор. Афсуски, ҳаётда бобо-бувиларнинг оғзини ачитадиган мағизлар ҳам учраб туради. Бунга ёрқин мисол сифатида бобосини анча сарсон қилган Р.Бойқўзиевни келтириш мумкин.

Ойбек ТОШМАТОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бошқарма катта инспектори

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судининг қарори билан Р.Бойқўзиевдан Қ.Пўлатовга 37 миллион 468 минг 600 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Бир қарашда оддий кўринган ушбу ижро ҳужжати МИБ Қувасой шаҳар бўлими томонидан ўрганилганида қарздор набира ва ундирувчи бобо экани маълум бўлган. Яъни, набира Р.Бойқўзиев ўз бобоси Қ.Пўлатовни чув туширган экан.


Қарздор набира қарзини тўлашдан бўйин товлаб юрган. Давлат ижрочиси унинг номига расмийлаштирилган мулкларни ўрганганида "Спарк" автомашинаси мавжудлиги аниқланган ва транспортга нисбатан қидирув эълон қилинган. Машина Бағдодда Ш.Хидиров бошқарувида экани аниқланиб, жарима майдончасига киритилган.

Буни қарангки, набира машинани Ш.Хидировга ҳеч қандай ҳужжат расмийлаштирмасдан сотишга ҳам улгурган экан.

Қонунда белгиланган тартибга кўра "Спарк" электрон савдо майдончасига қўйилиб сотилиши жараёнида бюронинг Қувасой шаҳар бўлимига Р.Бойқўзиев келиб, 37 миллион 468 минг 600 сўм пулни нақд шаклда бобосига тўлаб берди.

Набира ва бобо ўртасидаги муносабатлар энди қандай кечиши ўзларига ҳавола. Асосийси, бюро ходимлари ўз вазифасини бажарди.

Тошкент шаҳрида 2 ноябрь куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар Ҳукумат раҳбарлари кенгашининг ўн саккизинчи мажлиси бўлиб ўтди.



КОРРУПЦИЯСИЗ ҚУРИЛИШ: унга эришиш мумкинми?

Абдураҳим МУҲИДДИНОВ,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони турли соҳа ва йўналишларда коррупцияни бартараф этишга қаратилган. Хусусан, 2017-2018 йиллар ва 2019 йилнинг 6 ойи мобайнида қурилиш соҳасида 250 дан ортиқ жиноят иши қўзғатилиб, 318 киши жиноий жавобгарликка тортилган.

Таҳлилларга кўра, жиноят содир этганларнинг 179 нафари мансабдор шахслар бўлса, қолган 139 нафари давлат хизматчилари ва фуқаролардир.

Фармон ижросини таъминлаш мақсадида Бош прокуратура томонидан “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш бўйича вазифалар белгиланди. Жумладан, Бош прокуратура раҳбарлигида вазирлик ва идоралар вакилларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, коррупцияга қарши чора-тадбирларни амалга ошириш механизмлари ишлаб чиқилди. Ишчи гуруҳ қурилиш соҳасида фаолият юритиб келаётган буюртмачилар, лойиҳачилар, қурилиш соҳасида назорат инспекцияси ходимлари, қурилиш пудрат ташкилотлари ва тадбиркорлар ўртасида коррупцияга қарши аноним сўровлар ўтказмоқда.

Фармонда қайд этилган вазифаларнинг тўлақонли ижро этилиши юртимизда коррупцияни батамом бартараф этишга хизмат қилади.

КУШАНДА МАҲАЛЛАСИНИНГ КУШАНДАЛАРИ

Казакбай ЖАББОРОВ,
Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси катта криминалисти

Ғадир-будур қишлоқ йўлларидан бораркан, автомашина ҳайдовчиси ғудранади: «Қачон бу йўлларга навбат келиб таъмирланаркан, қачон ички йўллар равон бўларкан?».

Аслида-ку ички йўлларга ҳам навбат келаяпти. Уларни таъмирлаш учун маблағ ажратилмоқда. Мутасаддилар вазифасини бажараяпти. Бироқ, беш қўл баробар бўлмаганидек, айрим пудратчилар мажбуриятини тўлиқ бажармаслиги оқибатида айрим йўллар сифатсизлигича қолмоқда.

Янгиариқ туманидаги «Қурилиш» МЧЖ раҳбари Илҳом Зокиров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ҳам ўз вазифасига совуққонлик билан ёндашган. Ўзига билдирилган ишончни суиистеъмол қилган. Бошқа бир МЧЖ раҳбари Озод Сапаев ва туман ободонлаштириш бошқармасининг собиқ бошлиғи Ҳасан Эшимов билан тил бириктириб, мансаб сохтакорлигига йўл қўйган. Гап шундаки, Қушанда маҳалласидаги 0,550 километр йўлни таъмирлаш учун унинг раҳбарлигидаги МЧЖ «Азамат» МЧЖ билан шартнома имзолайди. Унга кўра 79 миллион 287 минг 879 сўмлик таъмирлаш ишлари олиб борилиши керак эди. Амалда эса 25 миллион 42 минг сўмлик бажарилмаган иш ҳужжатларда бажарилди деб қайд қилинди.

Сабурзон маҳалласидаги 0,327 километр йўлни таъмирлаш учун ҳисоб рақамига 56 миллион 678 минг 329 сўм пул тушгани ҳолда ҳисоб-фактурага бажарилмаган 10 миллион 796 минг 700 сўмлик ишни қўшиб ёзди.

МЧЖ ободонлаштириш бошқармаси маъмурий биноси ва чорбоғини таъмирлаш учун 194 миллион 763 минг сўмга шартнома тузади. Ишлар тугагач, ҳисоб-фактурага бажарилмаган 26 миллион 810 минг 100 сўмлик иш қўшиб ёзилади. Ободонлаштириш бошқармаси яна зиён кўриб қолаверади.

Ноқонуний иш – келтирар ташвиш. Ушбу қинғирликларни содир қилган И. Зокиров, Ҳ.Эшимов, О.Сапаев суд ҳукмига кўра қонуний жазога тортилди.

АВВАЛО ХАЛҚ РОЗИЛИГИ

Бекзод ЯРАШЕВ,
Когон тумани прокурори

Бугунги кунда мамлакатимизнинг бирор ҳудуди йўқки, у ерда бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилмаётган бўлса. Когон туманига оид фактлар билан фикримизга ойдинлик киритамиз.

2019 йилнинг 9 ойи давомида туман прокурори аҳоли билан мулоқот қилиш ва муаммоларини бартараф этиш мақсадида 2-секторда 32 марта сайёр қабул ўтказди. Келиб тушган 130 та мурожаатнинг 60 таси бевосита прокуратура аралашуви билан жойида ҳал қилинди ёки асосли тушунтириш берилди. Мурожаатларнинг асосий қисми ички йўллар носозлиги, ичимлик суви муаммоси, уй, кредит ва коммунал соҳа билан боғлиқ. Уларнинг ҳал қилиниши қисқа, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган йўл хариталарига киритилган.

Аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида сентябрь ойи охирига қадар 2-сектор ҳудудида истиқомат қилувчи 78 киши доимий иш билан таъминланди. 26 нафар ишсиз ва кам таъминланган фуқаро ҳақ тўланадиган жамоат ишларига жалб қилинди. Етти нафар фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди. Ўн киши касбига мос иш йўқлиги сабабли касбга қайта тайёрлашга йўналтирилди. Бу борада ишлар давом эттирилмоқда.

2019 йилнинг январь ойида прокурор секторида 44 та кам таъминланган оила рўйхатга олинган бўлса, 1 июлда бу кўрсаткич 22 тага тушди. Уларнинг мустақил даромад манбаига эга бўлишини таъминлаш мақсадида прокурор сектори штаби аъзолари, туман бандликка кўмаклашиш маркази ходимлари, тижорат банклари вакиллари ва МФЙ аъзоларидан иборат гуруҳ ишламоқда. Натижада кам таъминланган тўртта оила аъзолари иш билан банд қилинди. 17 та оилага эса 98 млн. сўм имтиёзли кредит ажратилиб, тадбиркорликни йўлга қўйиш учун маҳсулот ва ускуналар етказиб берилди.

Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлган ёшларнинг ғояларини қўллаб-қувватлаш учун тўрт нафар ёш тадбиркорга “Ёшлар – келажагимиз” давлат дастури асосида 2 млрд. 150 млн. сўмлик имтиёзли кредит берилди. Хусусан, “Туткунда” МФЙда яшовчи М.Пирназаров 850 млн. сўм кредит эвазига мебель ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Натижада 27 киши иш билан таъминланди. Ундан ташқари, Ф.Камолов 200 млн. сўмлик кредит эвазига “Wonder kids” болалар боғчасини ишга туширди. Натижада болаларнинг мактабгача таълим муассасаларига қамрови ва ҳудуд аҳолисининг иш билан бандлик даражаси оширилди.

Тумандаги Ўртачўл қишлоғи ижтимоий-иқтисодий ривожланишдан ортда қолган ҳудудлардан ҳисобланади. 400 га яқин аҳоли яшовчи ушбу ҳудудга ичимлик суви тармоғи етиб бормаган ҳамда кўчалар ёритилмаган эди. Туман прокурори ташаббуси билан учта бетон қудуқ ўрнатиб берилди. Қишлоқ кўчаларини ёритиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида 30 та устун ҳамда тунги чироқлар ўрнатилди.

Секторда жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида 35 та кузатув камераси ўрнатилди. Хусусан, “Беклар” МФЙда 5 дона, “Нурафшон” МФЙда 10 дона, “Туткунда” МФЙда 10 дона, “Тараққиёт” МФЙда 2 дона ҳамда “Ўртачўл” МФЙда 8 дона замонавий видеокузатув камераси ўрнатилиб ишга туширилди.

Ҳудуд аҳолисининг электр энергиясига бўлган талабини қондириш мақсадида Чўкати қишлоғига бир дона, Жомарқ қишлоғига бир дона қўшимча электр трансформаторлар ўрнатилди.

Чопиқ ва Хоми қишлоқларининг аҳолисини бир неча йилдан буён қийнаб келаётган томорқа учун сув муаммосини ҳал қилиш мақсадида Янгибирэшим каналидан 1,3 км. масофада бетон ариқ ўрнатиш ишлари якунланди. Ундан ташқари, Дехмирзаён ва Бирэшим қишлоқлари орасида 2 км. масофадаги ички йўллар асфальтланаяпти. Буларнинг бари халқнинг фаровонлиги учун қилинмоқда. Халқ биздан рози бўлмас экан, ишимизда унум, кўнглимизда ҳаловат бўлмайди.

Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш истагида бўлган 135 кишига 3 млрд. 59 млн. сўм имтиёзли кредит берилди.

Шундан:




29 нафар фуқарога иссиқхона ташкил қилиш учун **660** млн. сўм;



10 нафар фуқарога тикувчилик билан шуғулланиш учун **190** млн. сўм;

37 нафар фуқарога чорвачилик билан шуғулланиш учун **920** млн. сўм;



16 нафар фуқарога ширинликлар ишлаб чиқариш учун **140** млн. сўм кредит ажратилган.





15 нафар фуқарога паррандачилик билан шуғулланиш учун **580** млн. сўм;


100 дан ортиқ оила оилавий тадбиркорликка жалб этилди.

Олий Мажлис Сенати Раиси Танзила Норбоева Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати Раисининг таклифига биноан жорий йил 4-5 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Қозоғистон Республикасида бўлди.

SHARH

Электрон почта, электрон имзо, электрон ҳукумат, электрон ҳужжат алмашинуви. Ниҳоят электрон меҳнат дафтарчасига ҳам навбат келди. Дарҳақиқат, бугун ахборот-коммуникация технологиялари кириб бормаган соҳа қолмади. Бошқача қилиб айтганда, АКТ чаққон дастёримизга айланди-қолди. Аммо баъзи соҳаларда бундай имкониятлардан етарлича фойдаланилмаётгани қатор ноқулайликларни келтириб чиқараяпти.

МЕҲНАТ ДАФТАРИ ЭНДИ ЭЛЕКТРОН ШАКЛДА



Рахманберди ЖАЛЕЛОВ,
Бош прокуратура бошқарма катта прокурори

Ижтимоий-меҳнат соҳасида замонавий ахборот технологиялари етарлича қўлланмаётгани пенсияни расмийлаштиришда меҳнат стажи аниқ ҳисобланишини мураккаблаштиради, шунингдек, аҳоли бандлиги ҳақидаги маълумотларнинг нотўғри кўрсатилишига шароит яратади ва маъмурий бошқарув харажатларини кўпайтиради. Шуларни инобатга олган ҳолда ходимларнинг меҳнат ҳуқуқини ҳимоя қилишни янада кучайтириш ва уларнинг иш стажини ҳисоблаш механизмини такомиллаштириш, ижтимоий-меҳнат соҳасига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш мақсадида 2019 йилнинг 31 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплексини жорий қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди.

Қарорга мувофиқ 2020 йил 1 январдан бошлаб:

– "Ягона миллий меҳнат тизими" идоралараро дастурий-аппарат комплекси ("ЯММТ" ИДАК);

– янги меҳнат шартномаларини тузиш, амалдаги меҳнат шартномаларига ўзгартириш киритиш, шунингдек уларни тугатишни "ЯММТ" ИДАКда мажбурий рўйхатдан ўтказиш тартиби;

– "ЯММТ" ИДАКда автоматик тарзда шакллантириладиган ходимнинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи электрон меҳнат дафтари жорий этилади.

"ЯММТ" ИДАКдан фойдаланиш барча юридик ва жисмоний шахслар учун бепулдир.

Шунингдек, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида "ЯММТ" ИДАКни бошқариш дирекцияси ташкил этилди.

2020 йил 1 январдан бошлаб ЯММТда иш берувчилар янги меҳнат шартномасини тузиш, амалдаги меҳнат шартномасига ўзгартириш киритиш, шунингдек, уларни тугатишни мажбурий рўйхатдан ўтказишлари шарт. 2020 йил 1 январгача тузилган меҳнат шартномалари келаси йилнинг 1 сентябридан кечиктирмай рўйхатдан ўтказилиши керак.

Бундан ташқари, келаси йилдан бошлаб ходимнинг меҳнат фаолияти тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олувчи электрон меҳнат дафтари жорий этилади. У рўйхатдан ўтказиладиган меҳнат шартномаларидаги маълумотлар асосида ЯММТда автоматик тарзда шакллантирилади. Ходимнинг меҳнат стажи 1 январдан кейин ЯММТда мавжуд маълумотлар асосида, бунга қадар эса илгариги қоидалар асосида ҳисобланади.

Шуни назарда тутиш керакки, меҳнат шартномаларини қоғоз шаклида расмийлаштиришда давом этилади. Бунда ундаги асосий маълумотлар ва реквизитлар мажбурий тартибда ЯММТга киритилади.

Пенсия ЯММТдаги маълумотлар асосида тайинланади.

NAZORAT

ТЕРИМ ПУЛЛАРИ УНДИРИЛДИ

Фарғона вилоятида ташкил этилган кластерлар ҳамда фермер хўжаликларида бу йил ҳар қачонгидан мўл пахта етиштирилди. Ҳосилни фермер хўжаликлари ва кластерларнинг ишчилари, шунингдек, даромад олиш учун ихтиёрий ишга чиққан теримчилар териб олаяпти. Одамларни мажбурий меҳнатга жалб қилишнинг олдини олишга қаратилган назорат тадбирлари ўтказилмоқда. Вилоят прокуратураси томонидан теримчиларга яратилган шароитлар ўрганилиб, 230 дан зиёд камчилик бартараф қилинди.

Фарҳоджон ИСМОИЛОВ,
Фарғона вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Теримчиларга иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ берилиши устидан доимий назорат олиб борилмоқда. Мониторинглар давомида Бешариқ, Бағдод, Бувайда, Данғара, Ёзёвон, Қува, Олтиариқ, Риштон, Тошлоқ, Ўзбекистон, Фурқат, Фарғона туманларида 924 млн. сўмдан тортиб, 4 млрд. 900 млн. сўмгача, жами 35 млрд. 800 млн. сўм терим пули ўз вақтида тўланмагани аниқланиб, вилоят прокуратураси аралашуви билан теримчиларга даланинг ўзида тўлиқ тўлаб берилиши таъминланди.

Йиғим-терим отрядларининг иши пухта ташкил этилгани туфайли октябрь ойининг сўнгги кунларигача вилоят миқёсида 270 минг тонна, яъни шартномада кўзда тутилганидан 10 фоиз зиёд пахта териб топширилди. Фермер хўжаликларининг 1 811 таси режани ортиғи билан бажарди. Ўртача ҳосилдорлик 31 центнер бўлди.

Хусусан, Олтиариқ туманидаги Ўзбекистон қаҳрамони Лолахон Муротова раҳбарлик қилаётган хўжалик шартномада кўзда тутилганидан зиёд пахта етказиб берди. Қўштепа туманидаги "Fergana global textile" МЧЖ кластерида фермер хўжаликларига ёнилғи, ўғит ва бошқа зарур нарсалар етказиб берилиб, 7240 гектар ерда пахта етиштирилди. Давлатга салкам 20 минг тонна пахта топширилди. 2020 йил май ойида МЧЖ қошида янги тўқимачилик комплекси ишга туширилади. 1500 дан зиёд иш ўрни яратилади.



PROTEST

ШИФОКОР ИШИГА ТИКЛАНДИ

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг асосий вазифаларидан биридир. Ҳаётда ким яхшилик ё ёмонлик кўрса бунга албатта кимдир сабабчи бўлади.

Азиза ТОШПЎЛАТОВА,
Бош прокуратура бошқарма прокурори

Аниқланишича, фуқаро Ш.Нуржанова 2001 йилдан Қорақалпоғистон силга қарши курашиш диспансерига ишга қабул қилиниб, 2014 йил 1 декабрдан ўпкадан ташқари сил касалликлари бўлими врачи вазифасида ишлаб келган.

Ҳамшира Р.Қиличева диспансер маъмуриятига Ш.Нуржанова 2018 йилнинг 24-27 февраль кунлари ишга чиқмагани ҳақида маълумот берган.

Бош шифокор 2018 йил 9 мартда касаба уюшма қўмитасига хат бериб, Ш.Нуржанова билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодексининг 100-моддаси 2-қисми 4-бандига асосан бекор қилишни сўраган. Қўмита розилик бергач, ходим билан тузилган меҳнат шартномаси диспансернинг 9 мартдаги 42-к буйруғига асосан бекор қилинган.

Шундан сўнг Ш.Нуржанова диспансерга нисбатан даъво аризаси билан судга мурожаат қилиб, ишга тиклаш, мажбурий прогул учун иш ҳақи ва маънавий зарарни ундириб беришни сўраган. Фуқаролик ишлари бўйича Нукус туманлараро судининг 2018 йил 4 июндаги ҳал қилув қарори билан даъво рад этилган.

Фуқаролик ишлари бўйича Қорақалпоғистон Республикаси суди апелляция инстанциясининг 2018 йил 19 июлдаги ажрими билан ҳал қилув қарори бекор қилиниб, даъвони қаноатлантириш тўғрисида янги ҳал қилув қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг 2018 йил 25 декабрдаги ажрими билан апелляция инстанцияси судининг ажрими бекор қилиниб, 2018 йил 4 июндаги ҳал қилув қарори ўзгаришсиз қолдирилган.

Ш.Нуржанованинг меҳнат шартномасини бекор қилиш юзасидан касаба уюшма қўмитасининг йиғилиши умуман бўлмагани диспансернинг касаба уюшма қўмитаси раиси Р.Отажоновнинг кўрсатуви билан тўлиқ исботланган.

Бундан ташқари, суд Ш.Нуржанова узрсиз сабабларга кўра иш вақтида иш жойида бўлмагани учун меҳнатга лаёқатсизлик варақаси тақдим қилмаганини асос қилиб келтирган. Лекин даъвогар Қонликўл тумани тиббиёт бирлашмаси акушер-гинекологи берган сунъий йўл билан ҳомила туширгани (аборт қилдиргани), шу боис уни 2018 йил 24 февралдан 1 мартга қадар ишдан озод этиш тўғрисидаги маълумотномани тақдим этган.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2015 йил 20 мартдаги (Адлия вазирлигида 2015 йил 17 апрелда рўйхатдан ўтган) "Меҳнатга лаёқатсизлик варақаларини бериш тартиби ҳақидаги йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида"ги 25-буйруғининг 4, 9, 10, 12, 30-бандларида даволаш-профилактика муассасасида ҳомила сунъий туширилганда, меҳнатга лаёқатсизлик варақаси берилиши қайд қилинган.

Бундан ташқари, Олий суд даъво муддати ўтгани даъвони рад этиш учун мустақил асос ҳисобланишини кўрсатиб, даъвогар 2018 йил 9 мартда ишдан бўшатилганидан хабардор бўлиб, 14 мартда Ўзбекистон Президентининг виртуал қабулхонасига мурожаат қилганига асосланган.

Лекин Қорақалпоғистон бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг диспансер бош врачига берган 2018 йил 22 мартдаги 07/927-хатида Ш.Нуржанова билан боғлиқ маълумотларни 24 мартга қадар тақдим этиш сўралган бўлса-да, диспансер Ш.Нуржанованинг меҳнат шартномаси бекор қилингани ҳақидаги буйруқни тақдим қилмаган. Низоли буйруқ вазирликка тақдим этилмаганининг ўзи ҳам меҳнат шартномаси айнан 9 мартда бекор қилинмаганини тасдиқлайди.

Бу ҳолат диспансернинг кадрлар бўлими бошлиғи Ҳ.Нуржанова, диспансер ходими М.Оташованинг иш ҳужжатларидаги тушунтириш хатлари ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигининг Ш.Нуржанованинг аризаси бўйича 2018 йил 28 мартда берган жавоб хати билан ўз тасдиғини топган.

Юқоридагиларга кўра Олий суд судлов ҳайъатининг 2018 йил 25 декабрдаги ажримини бекор қилиб, Ш.Нуржанованинг даъвосини қаноатлантириш ҳақида 2019 йил 10 июнда Ўзбекистон Олий суди раёсатига назорат тартибида протест келтирилди. Протест 27 июнда қаноатлантирилиб, Ш.Нуржанова ишга тикланди.

Ҳукуматнинг 2 ноябрдаги қарори билан 2019-2020 йилларда Хоразм вилоятининг Хива туманини комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тасдиқланди.

ОТЧОПАРНИНГ ЙЎЛЛАРИДА ОТ ЧОПСА ҲАМ ҚОҚИЛАДИ

Кейинги икки-уч йилда қурилаётган кўп қаватли уйлар, муаззам иншоотлару яшилликка бурканган кўркам майдонлар, фавворалар қадимий ва ҳамиша навқирон Қарши шаҳрининг ҳусну жамолини очиб, кўркига кўрк қўшмоқда.

Норбўта ҒОЗИЕВ,
«Huquq»

Лекин ҳамма жойда ҳам аҳвол бир хил деб бўлмайди. Алишер Навоий кўчасининг давоми – Қарши мой-экстракция заводи томон қисми ўйдим-чуқурлигидан 12-йўналишли таксига чиққан йўловчининг ичи тўкилай дейди. Вилоят ва Қарши шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари уни ҳамда Насаф кўчасининг автомобиль эҳтиёт қисмлари бозори ва мол бозорига борадиган қисмини таъмирлашни ваъда қилишганига ҳам 10 йилдан ошди. Бироқ ҳеч нарса қилинмади.

Шаҳардаги Отчопар маҳалласи ўтган йили “Обод маҳалла” дастурига киритилган эди. Бироқ маҳалла ҳудудида ўтган йили деярли ҳеч қандай ободончилик ишлари қилинмади. Маҳаллани шаҳар маркази билан боғлайдиган Халқлар дўстлиги кўчасининг кардиология ва эндокринология шифохонасига бориладиган қисми яхшилаб таъмирланди, пиёдалар йўлакчалари қурилди, ёритқичлар ўрнатилди. Юқорида таъкидлаганимиздек, йўлнинг давоми чала-чулпа таъмирланди, пиёдалар йўлаги қуриш эса йўлсозларнинг эсидан чиқиб кетди. Вилоят кўп тармоқли болалар шифохонаси олдидан ўтиб, Қарши – Шаҳрисабз магистраль йўли билан боғланадиган йўл ҳам ўйдим-чуқур, қишда лой, ёзда чангдан юриб бўлмайди, кўпгина авария ҳолатида. Хуллас, Отчопарнинг йўлларида машина юриши тугул от чопса ҳам қоқилади.



– “Обод маҳалла” дастурига киритилган Отчопар маҳалласи ҳудудида ўтган йили кўзга кўринадиган бир иш қилинганини ҳеч ким билмайди, – дейди маҳалланинг Тенглик кўчасида яшовчи Людмила Шафигулина. – Ички йўллар Широқ кўчасидан ташқари на текисланди, на асфальтланди. Ёзда маҳалланинг баъзи кўчаларига, айниқса бизнинг кўчамизга сув чиқиши амримаҳол. Бироқ бу ҳақда ҳеч ким бош қотирмади.

Шундай қилиб деярли ҳеч нарса қилинмасдан Отчопар маҳалласи “Обод маҳалла” дастурини “бошидан кечирди”.

Бир суҳбатда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, устоз журналист, марҳум Қурбон Эгамбердиев:

– Одамлар пиёдалар қатнайдиган йўлакларни тўсиқ билан ўраб олишаяпти. Қиш-қировли кунларда пиёдалар машиналар юрадиган йўлдан қатнаса ҳаёти учун хавфли, бунинг устига турли транспортлар уларнинг устибошига сув ва лой сачратиб кетади. Шу муаммони матбуотда кўтариб чиқсаларинг бўлмайдими? – деган эди.

Кейинчалик эътибор берсам, ҳақиқатан ҳам устоз яшайдиган, 6-йўналишдаги такси қатновчи Ҳуснобод кўчасидаги пиёдалар йўлагини одамлар турли тўсиқлар билан ўраб олган экан. Шаҳардаги жуда кўп кўчаларнинг четига пиёдалар йўлаги қурилмаган.

Мағзон маҳалласининг йўллари ўйдим-чуқурлиги сабабли 7- ва 31-йўналишли таксилар у ерга қатнамай қўйгани аҳолининг эътирозига сабаб бўлаётгани ҳақида газетамизнинг 2019 йил 7 февраль сонида “Йўналишли таксилар қатнови нега тўхтади?” сарлавҳали танқидий мақола берган эдик. Йўл четига пиёдалар йўлаги қурилди. Лекин йўлни таъмирлашни ҳеч ким ўйлаб кўрмади. Мутасаддилар газетанинг танқидий чиқишига муносабат билдиришни ҳам ўзларига эп кўришмади.



Қимирлаган техника соҳиби борки, ёнилғи сотиб олади (ёнилғи пулининг устига йўл фонди пули ҳам қўйилган), ёнилғи олдими, демак, йўл фондига ҳам пул тўлаяпти. Шаҳардаги ички йўлларнинг аҳволи ҳеч кимни қониқтирмаётган экан, транспорт эгалари тўлаётган пуллар қаёққа кетаяпти?!

Қарши шаҳрининг янгиланган раҳбариятидан ва йўл қурилиши бўйича мутасадди шахслардан бу борада жавоб кутамиз ва мавзуга яна қайтамиз.

FAOLIYAT

ОДИЛ СУДЛОВДА ПРОКУРОРНИНГ ЎРНИ

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, жамиятда қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқаролар ўртасида тинчликни, тотувликни сақлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда суд ҳокимияти алоҳида ўрин тутади.

Ҳасан ЛАТИПОВ,
Сирдарё вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органлари билан муносабатларига эътибор каратадиган бўлсак, маъмурий тартиб-таомиллар жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишига бевосита таъсир кўрсатади. Судларнинг ихтисослашуви эса юртимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимининг янада мустаҳкамланишига замин яратди.

2019 йилнинг ўтган 9 ойи давомида Сирдарё вилояти маъмурий судлари 158 та низони кўриб чиққан, шундан 152 тасида прокурор қатнашган.

Прокурор судга ишдаги ҳолатларни аниқлаш, далилларни текшириш ва тўғри баҳолашда яқиндан ёрдам берсагина, унинг суд процессидаги иштирокидан кўзланган мақсадга эришилган деб ҳисоблаш мумкин. Прокурорнинг суд мажлисидаги фаол иштироки эса унинг суд процессига тайёргарлик кўриши, яъни иш материаллари билан тўлиқ танишгани ва қўлланиши лозим бўлган қонун ҳужжатларини аниқлаб олиши билан боғлиқ.

Соҳадаги асосий эътибор суд қарорларининг қонунийлигини мунтазам ўрганиб бориш орқали фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга қаратилаяпти.

158 та низо кўрилган маъмурий суд ишларининг 152 тасида прокурор қатнашган.

Вилоят прокуратураси органлари иккита жисмоний ва юридик шахснинг манфаатини кўзлаб маъмурий судларга ариза билан мурожаат қилган, уларнинг биттаси қаноатлантирилган, биттаси судда кўриб чиқилмоқда.


Шу билан бирга, оммавий низолар ҳар ярим йилда умумлаштирилиб, соҳада йўл қўйилаётган қонун бузилишлар аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари кўриб борилмоқда. Таҳлиллар асосида қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш бўйича 12 та таклиф ва тавсия ишлаб чиқилди.

Айтиш жоизки, маъмурий судлар ташкил этилиши билан оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларни одил судлов орқали ҳал этиш имконияти кенгайди. Мазкур ишларни судда кўришда прокурорнинг қатнашиши суд қарорларининг қонуний бўлишида алоҳида аҳамият касб этади.

Адлия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикасининг Миллий ҳуқуқий интернет портали (http://huquqiyportal.uz) ишга туширилди.

«АЛДАРКЎСА», ДАЛЛОЛ ВА ЁЛҒИЗ ОНА

Исроил ИБРОҲИМОВ,
«Huquq»



Бунга анча бўлди. Якшанба куни тушга яқин қариндошимиз Маҳмуджон (исм-фамилиялар ўзгартирилган) ўртоғи билан уйга кириб келди.

– Ҳарбийда бирга хизмат қилганмиз, – деб Комилжонни таништирди. – Фермер хўжалигига трактор олмоқчи бўлибди. Танишининг Қирғизистондан кўчиб келган қариндоши Ўш вилоятидан янги тракторни арзон нархда келтириб, ҳужжатини ҳам ўзим расмийлаштириб бераман деб қизиқтирибди. Ҳозирча аванс бериб туринг, қолганини кейин берасиз деб икки ой аввал йигирма миллион сўм пулини олган экан.

– Лутфулло Фарғонада туради, уйига уч-тўрт марта келдим, – деди Комилжон. – Ҳар хил баҳоналарни рўкач қилаяпти. Охирги марта божхона ҳужжатларини расмийлаштиришда муаммо чиқиб қолди, тўғрилаймиз деди. Қўнғироқларимга жавоб бермай қўйди. Чамамда, мендан олган пулни айлантириб кўпайтираяпти. Ҳозир уйига бордик. Пулни қайтариб беришни талаб қилдик. Тағин пинагини бузмасдан, пайсалга солаяпти.

ИИБга мурожаат этишни маслаҳат бердим. Орадан икки кун ўтиб Маҳмуджон қўнғироқ қилди. Ўша куни кечқурун уйига боришибди. Комилжон шаҳар ИИБ бошлиғи номига ёзилган аризани кўрсатибди. Лутфулло топширмай туринг, эртага кечгача пулингизни қайтараман дебди. Қишлоққа, Комилжоннинг уйига элтиб берибди. Қўлинг билан бериб оёғинг билан югурасан деганларидай фермер-ку охири "Алдаркўса"дан пулини олибди. Аммо у каби фирибгарлар ташлаган хўракка илиниб, икки қўллаб бериб қўйганини қайтариб ололмаётганлар қанча!

Болаликдан бирга катта бўлган ўртоқлар билан ошхонада кўришиб қолдик. Тамадди қилдик. Гап орасида Аҳмаджон Чимёнга борамиз, Раҳматжон билан машинанинг пулини бериб келамиз деди. Раҳматжонга машина бозорида даллоллик қиладиган йигит Қирғизистоннинг Қадамжой туманидан "Лада" русумли автомобил сотиб олиб берадиган бўлибди. "Алданиб қоласиз, Андижонда Қирғизистондан машина олиб ўтиб сотганлар судланди. Машина сотиб олганлар расмийлаштира олмасдан куйиб қолишди" дея йўлдан қайтармоқчи бўлдим. Менга қулоқ солишмади. Раҳматжон "Лада"да киракашлик қила бошлади. Орадан кўп ўтмай пиёда қолди. Олди-сотдини нотариал расмийлаштириб, ЙҲХБга рўйхатга қўйиб бераман деган даллол сўзининг устидан чиқмабди. Раҳматжон машинани даллолга қайтариб берди, аммо пулини ололмади. Ўртоғимиз каби беш-олти кишини сувга олиб бориб, суғормай келган даллол хорижга қуён бўлибди. Раҳматжон куйиб қолди-ю, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат этолмади. Чунки айб ўзида. Ўзи била туриб ноқонуний машина харид қилган. Қай йўсинда бўлмасин, қонунни четлаб ўтишга уриниш қимматга тушади.

Сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатлари билан машина сотиб олишдаги асоссиз навбат қутишлар барҳам топди. Автомобиллар эркин савдога чиқарилмоқда. Харидор пулини тўлаши билан автомобилни олаяпти. Афсуски, фирибгарлар ҳамон айрим соддаларни расмий дилерга нисбатан арзон нархда янги автомобил сотиб олиб беришга қизиқтириб, чув тушираяпти. Етти ўлчаб бир кесадиган, арзон шўрва татимас деган нақлнинг мағзини чаққанлар алданмайди.

Олий таълимдаги ислоҳотлар, абитуриент тест натижаси бўйича бали етарли бўлган чоғда ўтадан битта олий ўқув даргоҳига ўқишга қабул қилиниши, тестнинг очиқ-ошкора ўтказилиши, тест натижасига бирон-бир тарзда аралашув истисно қилингани ОАВ орқали, айниқса телекўрсатувларда батафсил ёритилганига қарамасдан айрим ота-оналар, уларнинг яқинлари фирибгарларнинг қармоғига илиниб қолишган.

Суд бўлаяпти. "Эрим билан ажрашганман. Болаларим кўчада қолмасин" дея у кўз ёшини рўмолчада артади. Кечирим сўрайди. Зарарни қоплаганини айтиб, надомат чекаётган киши қиёфасига киради. Жабрланувчи пулини қайтариб олганини тасдиқлаб, даъвоси йўқлигини таъкидлайди.

Судда аниқланиб, тасдиқланган ҳолатларга кўра Холтожихон олий ўқув юртларига тест синови арафасида таниш-билишлари орасида университет қабул комиссиясининг котиби қариндоши экани, ўқишга киритиб қўйиши мумкинлиги ҳақида гап тарқатади. Неча йиллардан буён кўришмаган, бир пайтлар битта маҳаллада яшаган Зиёдахон ўқишга ҳужжат топширган жиянини қўллаб юборишни илтимос қилади. Холтожихон уни авраб, қўйнини пуч ёнғоққа тўлдиради. "Кўки"дан уч минг берсангиз, тестдан силлиқ ўтади дейди. Таниш-билишлик ҳурмати, ёрдам бериб юборса керак деб ўйлаган Зиёдахоннинг кўнглига шубҳа оралайди.

– Бунчага қурби етмайди.

– Аввалига ярмини бериб туришсин, қолганини ўқий бошлагач беришади, – дея Холтожихон аврашда давом этади.

– Бўпти, маслаҳатлашиб кўрайлик, – деб Зиёдахон телефон рақамини ёзиб олади.

Турмуш ўртоғининг бунақа ишга аралашма дейишига қарамасдан у опаси ва поччасидан олган 1500 АҚШ долларини Холтожихонга бериб қўяди. Жияни тестдан ўта олмагач, телефонда пулни қайтариб беришни талаб қилади. Холтожихон эрта-индин дея алдаб юради. Телефон рақамини ўзгартириб олади. Тасодифан кўчада рўбарў келганларида Зиёдахон орамиздаги ҳамма гапни телефонимга ёзиб олганман дегач, пулни қайтариб беради. 1500 АҚШ долларини қайтариб бераётган чоғида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари томонидан ушланади.

Илгари етти марта судланган аёлга суд ёлғиз оналиги, қарамоғида вояга етмаган икки фарзанди борлиги, зарарни қоплаганини инобатга олиб ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлади. Суд залидан ташқарига уч қариндоши билан мамнун бўлиб чиқиб келган Холтожихоннинг қиёфасида бояги бечорахоллигу пушаймонликдан асар ҳам йўқ эди. Уни кузатиб турган гувоҳ бошини чайқади.

– Тузалмайди бу. Тағин бировларни алдаб чув тушираверади. Менга қолса, бунақаларни қамаш керак. Болаларига қандай намуна бўлади, қандай тарбиялайди? Мунофиқлик, алдамчиликни юқтирадими? Оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш лозим.

Ҳокимият, таълим, соғлиқни сақлаш тизимлари, барча соҳалар ислоҳ қилиниши, уларнинг очиқ-ошкора фаолият юритиши, аҳолининг ҳуқуқий маданияти юксалиб бориши баробарида мансабини суиистеъмол қилиш, пораҳўрлик, фирибгарликни келтириб чиқарувчи сабаблар бартараф этилмоқда. Инсонпарварлик тамойилларига мувофиқ билиб-билмай жиноятга қўл урганлар авф этилаяпти, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланаяпти, тузалиш йўлига ўтиш имконияти берилмоқда. Бироқ букрини гўр тузатади деганларидай, суд жараёнида ҳар гал зоҳиран пушаймон бўлиб кўринган, енгилроқ жазо олиб, жиноятга қўл уришда давом этган, ахлоқ тузатиш, озодликни чеклаш жазосидан хулоса чиқармаган рецидивистлар озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ мобайнидагина чинакамига надомат чекиб, қайта жиноят содир этишдан тийилиши мумкин.

JINOYAT HAQIQATI VA ADOLATI

ТАМАГИР ДОМЛА

Рустам ДАМИНОВ,
Самарқанд вилояти прокуратураси бўлим АМИБ терговчиси

Ўлмас Шодиев (исм-фамилиялар ўзгартирилган) олий маълумотли ўқитувчи. Бир неча йилдан бери университетда ишлайди. Бир куни унинг олдига таниши Нилуфар иш топишда ёрдам сўраб келди. Айни абитуриентлар ўқишга ҳужжат топшираётган пайт бўлиб, улар қабул комиссиясига яқин жойда гаплашаётган эди.

Ситора ҳар йили ҳужжат топширади. Лекин ҳеч омади чопмайди. Йиқилган курашга тўймас деганларидек, шу йил ҳам ҳужжатларини олиб, университет томон йўлга тушди. Унга қайнопаси Баҳор ҳам қўшилди. Улар дугонаси Нилуфарни кўриб қолишди.

– Неча йилдан бери имтиҳонлардан ўтолмайман. Иш сўраб борган жойларим олий маълумот сўрайди. Мана, яна келаяпман. Ҳужжатларимда камчилик йўқмикан, аввал бир кўрсатишим керак, – деди Ситора.

– Мана домла, кўриб беради, – Нилуфар шундай деб Ўлмасга ишора қилди.

Ўлмас ҳужжатларга кўз югуртириб, ўзини таништирди. Анча йилдан бери университетда ишлаши, агар истаса, педагогика факультети бошланғич таълим ва спорт тарбиявий иш йўналишининг сиртқи бўлимига ўқишга киришида ёрдам қилишини айтди.

– Ўқиб ҳам ишласак бўладими? – деб сўради абитуриентлар.

– Албатта бўлади, – деб телефон рақамини берди домла.

Ҳужжатларни қабул қилиш муддати тугагандан кейин Ситора домлага қўнғироқ қилди. Келишилган жойда кўришганда "Сизга ишонсак бўладими? Ўқишга киришимизда қандай ёрдам қиласиз ўзи?" деб сўради.

– Тест бўладиган хонада одамларим бўлади. Сизларникини ҳам ишлаб беради. Фақат бунинг учун анча харажат қилишингиз керак, – деди домла.

– Қанча бўлади?

– Бир кишига 6000 доллар.

Ситоранинг капалаги учиб кетди. Лекин сездирмасликка уринди.

– Қайнопамга ҳам ёрдам қилишингиз керак. Мен кириб, у киши киролмаса хафа бўлади.

– Икки кишига 12000 бўлади. Тест кунигача олиб келишингиз керак.

Ситорага домланинг тамагирлиги ёқмади. ИИБ идорасига бориб, домланинг устидан арз қилди.

Орган ходимлари тезкор тадбир ўтказди. Холислар иштирокида 12000 АҚШ долларига кимёвий ишлов бериб, овоз ёзиш мосламаси ва пулни Ситорага беришди.

Ўлмас таниши Нилуфар орқали Ситорадан 12000 долларни олган пайти қўлга олинди.

Суд ҳукми билан Ўлмас икки йил мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Унга иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Жорий йилнинг 1 ноябрь кунги «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги қонун билан Марказий банк тўлов тизимлари устидан назоратни кучайтиради.

ТАШАББУСНИНГ ҚАНОТИ БОР

Достон ХОННИЁЗОВ,
Нишон тумани прокурорининг ёрдамчиси лавозимида иш ўрганувчи

Президентимиз ишлаб чиққан беш ташаббус ёшларга эътиборни кучайтириш, ёш авлодни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларда ахборот технологияларидан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш, китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалаларини ўз ичига олган.

Энди ўзингиз бир ўйлаб кўринг: мамлакатимиз аҳолисининг катта қисми ўттиз ёшгача бўлганлар бўлса, уларнинг таълим олиши, касб эгаллаши учун шароит яратилган бўлса-ю, бўш вақтини мазмунли ўтказишига эътибор қаратилмаса, амалга оширилган саъй-ҳаракатлар самара берадими? Йўқ, албатта.

Бевосита биринчи ташаббус ҳақида айтадиган бўлсак, ёшларнинг мусиқа, тасвирий санъат, адабиёт, театрга қизиқишини ошириш, истеъдодини юзага чиқариш – жуда долзарб вазифа. Кимнинг адабиётга, санъатга ихлоси баланд бўлса, ундан ёмон одам чиқмайди. У бор билим ва маҳоратини ана шу эзгу ишларга сарфлайди.

Иккинчи ташаббус ҳақида фикр юритадиган бўлсак, ёшларни чиниқтириш, қобилиятини намоён қилиши учун шароит яратиш ҳар биримизнинг ҳам вазифамиз, ҳам бурчимиздир. Ким ҳам фарзандининг жисмонан баркамол бўлишини истамайди?

Президентимиз учинчи ташаббус орқали аҳоли ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга эътибор қаратмоқда. Бугун ҳар бир йигит-қизнинг қўлида смартфону интернет бор деб бепарво юрибмиз. Аслида ахборот технологияларидан самарали фойдаланиши учун ёшларимизда етарли кўникма ва билимни шакллантиришимиз зарур. Йўқса, илм олиш сингари эзгу мақсадларга хизмат қилиши керак бўлган интернет уларни жаҳолат сари етаклаб кетиши мумкин.

Ташаббус кўрсатиш – энг аввало янгиликка интилиш, куюнчаклик, элга қайишиш, юрт тақдирига дахлдорлик деганидир.

Қолган ташаббуслар ҳақида айтадиган бўлсак, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш сингари долзарб масалалар ҳар биримизни ташвишлантириши лозим. Бугун орамизда китоб ўқимайдиган, маънавияти паст ёшлар ҳам учраб турибди. Уларнинг ҳар бири билан алоҳида гаплашиб, қалбида китобхонликка меҳр уйғота олсак, бу юракларга эзгулик ниҳолларини экган бўламиз. Китоб ўқиган одам ҳаёт қийинчиликлари олдида асло довдираб қолмайди. Ҳар қандай муаммога ақлу заковати билан ечим топа олади. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш орқали уларнинг турмушини енгиллатиш, қанчадан-қанча хонадонга файз, барака олиб кириш мумкин.

Хуллас, мамлакат бўйлаб кенг қанот ёйган беш муҳим ташаббус бизни эзгу мақсадларимиз йўлида янада кўпроқ меҳнат қилишга, фарзандларимизни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялашга ундамоқда. Бу юрт тараққиётига қўшилган ҳиссамиз бўлади.



НОТАРИАТ ФАОЛИЯТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Давлат раҳбарининг "Ўзбекистон Республикаси нотариат тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонида қайд этилганидек, нотариал хизматлар кўрсатишнинг тезкорлигини ошириш, хусусий мулк эгалари ўз мулкини эркин тасарруф этишида ортиқча бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш ҳамда соҳани рақамлаштириш замон талабларидан бири бўлиб қолмоқда.

Аҳрор ХУДОЙБЕРГАНОВ,
Тошлоқ тумани прокурори

Фармонда нотариат институтини рақамлаштирилган моделга ўтказиш, нотариал ҳаракатларни амалга ошириш жараёнини тубдан соддалаштириш вазифалари белгилаб берилди. Адлия вазирлиги томонидан нотариат соҳасини тартибга солиш мақсадида "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизими яратилган.

Адлия вазирлиги нотариал фаолият тўғрисидаги маълумотларни йиғиш, умумлаштириш жараёнини автоматлаштириш ҳамда нотариал ҳаракатларни амалга оширишда давлат органлари билан ахборот ҳамкорлигининг барча турларини таъминлаш мақсадида "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизимини техник таъминлаш ва юритишга масъул орган этиб белгиланди.

Соҳадаги муҳим ўзгаришлардан бири 2020 йил 1 январдан давлат нотариал идоралари босқичма-босқич нодавлат нотариал идоралар этиб қайта ташкил қилинади. Давлат нотариал идораларини нодавлат сифатида қайта ташкил қилиш адлия органларида рўйхатдан ўтказиш, шунингдек, фаолият юритаётган нотариусларга уларнинг аризаларига асосан нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия бериш орқали амалга оширилади. Жойларда қонун ҳужжатларига мувофиқ етарли миқдордаги нодавлат нотариал идоралар ташкил этилгунига қадар давлат нотариал идоралари ўз фаолиятини давом эттиради.

Нотариус ўз касбий мажбуриятларини бузиши оқибатида етказиладиган зарардан жисмоний ва юридик шахсларни ҳимоя қилиш мақсадида нодавлат нотариал идоралар нотариусларининг фуқаролик жавобгарлиги суғурталанади. Адлия органлари нодавлат нотариал идораларни давлат рўйхатидан ўтказади ва нотариал фаолият билан шуғулланиши учун лицензия беради.

Барча нотариал идоралар нотариусларининг аъзолигига асосланган Ўзбекистон нотариал палатаси ташкил этилмоқда. Палатанинг асосий вазифалари:

нотариал идоралар фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда қонун ҳужжатларининг бир хил қўлланишини таъминлашга доир таклифлар ишлаб чиқиш;

низоларнинг олдини олувчи институт сифатида нотариат ролини мустаҳкамлаш, нотариуслик касби нуфузини ошириш, шунингдек, нотариусларнинг касбий тайёргарлиги ва малакаси оширилишини ҳамда уларнинг фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурталанишини ташкил этиш;

ягона нотариал амалиётни таъминлаш чораларини кўриш, нотариал идоралар фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш, ижобий иш тажрибасини оммалаштириш ҳамда нотариусларга услубий ёрдам кўрсатиш;

аҳолининг ҳуқуқий билими ва маданиятини оширишга қаратилган тарғиботни амалга ошириш;

давлат органлари, бошқа ташкилотлар билан муносабатларда, судда ва бошқа ҳолларда нотариусларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

нотариуслар қонун ҳужжатларига, касб этикаси қоидалари ва касб мажбуриятларига риоя этиши устидан мониторингни амалга ошириш ҳамда уларнинг касбига лойиқлиги масаласини кўриб чиқиш ҳақида Қорақалпоғистон адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари ҳузуридаги малака комиссияларига таклиф киритишдан иборат.

Мазкур фармон талабларидан келиб чиқиб "Нотариат тўғрисида"ги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилади.

2019-2021 йилларда нотариат институтини янада такомиллаштириш бўйича "йўл харитаси" тасдиқланди. 2020 йил 1 январдан мол-мулк билан боғлиқ битимларни расмийлаштиришда:

қурилиши тугалланмаган уйларни бошқа шахсга ўтказишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг рухсатини олиш;

васийликдаги шахс номидан мулкни ижарага беришда васийлик ва ҳомийлик органининг рухсатини олиш (бу ҳақда васийлик ва ҳомийлик органини хабардор этиш шарти билан) талаби бекор қилинмоқда.

Шунингдек, 2019 йил 1 октябрдан транспорт эгасининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полисида кўрсатилган транспорт эгасининг яқин қариндошлари (ота-она, эр, хотин, болалар, ака-укалар, опа-сингиллар) ўртасида транспортдан фойдаланиш ва бошқариш тўғрисидаги ишончномани, 2020 йил 1 январдан юридик шахсларнинг, хусусан банк ва бошқа кредит ташкилотларининг корхонани ижара ва текин фойдаланишга бериш ҳамда бирламчи бозордаги кўчмас мулк ва транспортларни олишда ипотека, гаров ва лизинг шартномаларини мажбурий нотариал тасдиқлаш тартиби бекор қилинмоқда. Гаров (ипотека) шартномаларини расмийлаштирган банк ва бошқа кредит ташкилотлари мулкка тақиқ қўйиш ва тақиқни ечишни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда "Нотариус" автоматлаштирилган ахборот тизими орқали мустақил амалга оширади.

Марказий банкка Адлия вазирлиги билан биргаликда 2019 йил 1 декабрга қадар банк ва бошқа кредит ташкилотларига мазкур бандда назарда тутилган гаров (ипотека) шартномалари доирасида тақиқ қўйиш ва тақиқни ечиш имкониятларини яратиш бўйича таклиф киритиш топширилди. Қонунчиликка киритилаётган ўзгартиришлар натижасида фуқаролар ва юридик шахсларга нотариал хизмат кўрсатиш сифати тубдан яхшиланади.

Мамлакатимизда жорий йилнинг 1 апрелидан 1 ноябрь га қадар қарийб 29 млн. мобиль қурилма UZIMEI тизимида рўйхатдан ўтказилган.

FAOLIYATIDAN

Яширин иқтисодиёт тараққиёт кушандаси

Иқтисодий муносабатларни тартибга солиш, соҳада қонун устуворлигини таъминлаш тараққиётнинг муҳим шарти ҳисобланади. Бу борада Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси ҳам муайян ишларни амалга оширмоқда.

Ғайратжон СУЛТОНОВ,
Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси бошлиғи

Бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари 2019 йилнинг 9 ойи давомида аниқланган қонунбузилишлар юзасидан 114 та жиноят иши ва 228 та маъмурий иш қўзғатди. Давлат бюджетига 10 млрд. 618 млн. 200 минг сўм қўшимча солиқ ва жарималар ҳисобланиб, бюджетга 7 млрд. 429 млн. 300 минг сўми ундирилишига эришилди. Шунингдек, ноқонуний муомалага киритилган 1 млрд. 897 млн. 800 минг сўмлик товарлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Валютани қонунга хилоф равишда муомалага киритишнинг олдини олиш борасида олиб борилган тадбирларда 92 та қонун бузилиши аниқланиб, 29 та жиноят иши ва 63 та маъмурий иш қўзғатилган. Ҳуқуқбузарлардан 119 075 АҚШ доллари, 642 150 Россия рубли, 964 900 қозоқ тенгеси ва 291 900 000 сўм далилий ашё сифатида олиниб, давлатга ўтказилди.

Департаментнинг асосий вазифаларидан яна бири спирт ва алкоголли ичимликларни ноқонуний ишлаб чиқариш ва сотишнинг олдини олишдан иборат. Бу борада олиб борилган тадбирларда 3 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 2 млн. 365 минг сўмлик маҳсулотлар далилий ашё сифатида олинди.

Яширин иқтисодиёт тараққиёт қушандаси. Бу борада ҳам 53 та ҳуқуқбузарлик аниқланиб, 1 та жиноят иши ва 52 та маъмурий иш қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан ноқонуний ишлаб чиқарилган ва муомалага киритилган 452 млн. 400 минг сўмлик маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Департаментнинг Хоразм вилояти бошқармаси йилнинг ўтган даврида коррупцияни фош этиш борасида ўтказган тадбирлар натижасида 50 та жиноят иши қўзғатди. Шундан 4 ҳолатда ҳокимият ходимларига нисбатан, 4 ҳолатда банк ходимларига нисбатан, 41 ҳолатда бошқа идоралар ходимларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланди.

Давлат бюджетига 10 млрд. сўмдан ортиқ солиқ ва жарималар ҳисобланди.

Жумладан, Хоразм вилояти давлат санитария эпидемиология назорати маркази ходими Элдор Шамаков Қўшкўпир туманида рўйхатдан ўтган фермер хўжалиги раҳбари Соҳиб Машариповдан ишлаб чиқарган творози бўйича марказ бошлиғининг ижобий хулосасини олиб беришини айтиб, эвазига 600 минг сўм талаб қилади.

Шунингдек, Хоразм синов ва сертификатлаштириш маркази давлат корхонаси мутахассиси Бибижон Хўжамова ҳам Соҳиб Машариповдан творог бўйича сертификатни корхона мансабдорлари орқали олиб беришини айтиб, 1 млн 500 минг сўм талаб қилади. Бундан норози бўлган фермер департаментнинг Хоразм вилояти бошқармасига ариза билан мурожаат қилди.

Унга асосан ўтказилган тезкор тадбирда Элдор Шамаков фермердан 600 минг сўм ҳамда Бибижон Хўжамова 1 млн. 500 минг сўм пулни олаётган вақтида ушланди.

Ҳар бир ҳуқуқбузарлик ва жиноят учун жазо муқаррарлигини тушунтириш мақсадида йилнинг ўтган даврида 416 та тарғибот тадбири ўтказилди. Шундан 195 таси маъруза, суҳбат ва 221 таси оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлардир. Хусусан, радиода 66, телевидениеда 68, матбуотда 45, интернет тармоқларида 38 марта чиқиш қилинди.

Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида 10 та жиноят иши қўзғатилиб, 10 нафар тадбиркорнинг ҳуқуқи тикланди ва уларга етказилган моддий зарар ундириб берилди.

Қонун доирасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар, тадбиркорлар солиқларни ўз вақтида тўлаб, юртимиз равнақига ўз ҳиссасини қўшмоқда. Шу билан бирга, била туриб қонун-қоидаларга хилоф иш тутаётган «ишбилармон»лар ҳам учраётгани афсусланарли ҳол. Уларнинг дунёқарашини ўзгартириш, жамиятда қонун устуворлигига эришиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Ҳужжатда бор, аслида йўқ

корхона эгаси миллиардлаб сўмни нақдлаштириб совурган

Акмалхўжа УСМОНХЎЖАЕВ,
Департаментнинг Ўзбекистон тумани бўлими бошлиғи

Тўлаган Қўчқоров (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бировнинг мулкини ўзлаштириш, талон-торож қилиш, фирибгарлик, солиқ тўлашдан бўйин товлаш, савдо қоидаларини бузиш жиноятларини содир этгани учун беш марта судланган. Буқрини гўр тузатади деганларидай, хавфли рецидивист ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ўтаётиб жиноий қилмишларини давом эттираверган.

Савдо-сотиқда пихи қайрилган устаси фаранг энди “ишлаб чиқариш”га қўл уради. Бозори чаққон полимер плёнка, қувур ишлаб чиқараман дея 2016 йилда ташкил қилинган, таниши М.Ҳосилов номида бўлган “Baxtiyorjon kelajak ravnaqi” МЧЖни Ўзбекистон туманида қайта рўйхатдан ўтказади. Корхона фаолиятини “Ҳамкорбанк”нинг Қувасой филиалидаги ҳисобрақамида амалга оширади. Бухгалтер олмасдан ҳисоб-китобни ўзи юритади. 2017 йилдаги фаолияти ҳақида Ўзбекистон туман солиқ инспекциясига 1 млрд. 341 млн. сўмдан иборат бир йиллик товар айланмасидан 5 фоиз ставкада 67 млн. сўмлик солиқ ҳисоблаб, электрон тарзда ҳисобот тақдим этади.

ДСИнинг камерал назорат бўлими мутахассиси жамиятда солиқ борасидаги қонун ҳужжатларига риоя қилинишини ўрганганда Т.Қўчқоров ҳисоботида товар айланмасини камайтириб кўрсатиб солиқдан қочгани, МЧЖнинг юридик манзили – яшаб турган уйида корхонадан асар ҳам йўқлиги аниқланади. Низомида кўрсатилган ишлаб чиқариш ўрнига улгуржи савдо билан шуғулланган, маҳсулот ишлаб чиқараман дея товар-хомашё биржасидан харид қилган 4 млрд. 829 млн. сўмлик хомашё – полиэтилен гранулаларининг 3 млрд. 488 млн. 649 минг сўмлигини бир неча харидорга нақд пулга сотиб юборгани аён бўлди. Хомашёни сотишдан тушган тушумни камайтириб кўрсатиши окибатида 177 млн. 232 минг сўмлик солиқни тўлашдан бўйин товлаган, шунингдек, нақд пулни назорат-касса машинасига кирим қилмасдан, банкка топширмай савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган, давлатга жуда кўп миқдорда иқтисодий зарар етказган “тадбиркор”га нисбатан қўзғатилган иш судда кўрилди.

Етказилган зарарнинг 20 млн. сўмини қоплаган Т. Қўчқоровнинг айби тўлиқ иқрорлигидан ташқари, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатмалари, ҳужжатлар билан тасдиқланди. Суд зарарнинг қолган 157 млн. 232 минг сўмини ундириш ҳақидаги прокурор даъвосини қаноатлантирган ҳолда хавфли рецидивистга 4 йил озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.



Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси прокуратура ва ички ишлар ходимлари билан биргаликда ўтказган тадбирда фуқаро О.Матмуратовнинг жиноятига чек қўйилди.

Жиноят устида қўлга олинди

Бахтиёр КАИПБЕРГЕНОВ,
Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси бошқармаси бўлим бошлиғи

О.Матмуратов фуқаро Х.Мадаминовнинг ишончига кириб, уни пойтахтдаги олий билим юртларининг бирига ҳеч қандай тўсиқсиз, ўз танишлари орқали ўқишга киритишга ваъда бериб, ундан 4000 АҚШ доллари миқдорида пул талаб қилган. Х.Мадаминов эса унинг жиноий ҳаракатлари юзасидан департаментга мурожаат қилиб, вокеага қонуний баҳо беришни сўради.

Ўтказилган тадбирда О.Матмуратов Х.Мадаминовдан 4000 долларни Нукус шаҳри кўчаларининг бирида олган вақтида ушланди. Кимёвий ишлов берилган 4000 доллар ашёвий далил тариқасида олиб қўйилди.

Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суд О.Матмуратовни айбдор деб топди ва уч йил муддатга озодликни чеклаш жазосини тайинлади.

«Кўҳна қалъа» олдида

Баҳриддин НАРЗУЛЛАЕВ,
Департаментнинг Косон тумани бўлими бошлиғи

Департаментнинг Қашқадарё вилояти бошқармаси ва Косон тумани бўлими ходимлари ўтказган тезкор тадбирда тумандаги “Кўҳна қалъа” савдо мажмуаси ёнида фуқаролар Қ.А. ва Б.О. ҳар бир АҚШ долларини 8550 сўмдан ҳисоблаб, 2400 долларни 20 552 000 сўмга сотаётган вақтида ушланди.

Шунингдек, уларнинг ёнидан сотиш учун олиб юрган 2500 доллар ҳам олинди.

Суд ҳукми билан валютафурушларга қонуний жазо белгиланди.

Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида 4-12 ноябрь кунларига мўлжалланган Таълим ва фан ҳафталиги бошланди.

ЎҒИРЛИК СОЛСАНГ ҚЎЙНИНГГА, СИРТМОҚ ТУШАР БЎЙНИНГГА

Шавкат САВУРБОЕВ,
Самарқанд вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

Жасур (исм-фамилиялар ўзгартирилган) икки марта судланган. Иккинчисида 12 йилга озодликдан маҳрум қилинганди. Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг ажримига кўра унинг айбловидан ЖКнинг 164-моддаси 3-қисми "а" банди чиқариб ташланди. Ҳукмнинг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилди. Унинг ўталмаган 5 йилу 10 ой муддати қолганди. Аммо бу муддатнинг янаям узайишига Жасурнинг ўзи сабабчи бўлди.

Жомбой туманида жойлашган жазони ижро этиш муассасасида жазосини ўтаётганлар қатори у ҳам шаҳардаги "Восток Меркурий" МЧЖда шартнома асосида ишлаб келади.

Бир куни тунда Жасур девор ошиб кўчага чиқди. Таксига ўтириб, Азиз бозори олдига келди. Атрофни зимдан кузатди. Кўп қаватли уйнинг биринчи қаватидаги хонадонлардан бирининг деразаси очиқлигини кўрди. Дераза ошиб уйга кирди. Уйдагилар ухлаб ётганди. Жасур оёқ учида уйни айланиб, 500 минг сўм пулни олиб чиқиб кетди.

Кейинги тун яна шу манзилга келди. Кўп қаватли уйлар ёнидаги бир хонадонга кирди. Чўнтагидан рўмолча олиб, юзига боғлади. Уйга кирганда хонадон соҳиби Нодира намоз ўқиётганди. Йигит Нодирани яна ухлаб қолди деб ўйлади. Ошхонага кириб шкаф эшигини очди. Аёл уйида кимдир борлигини сезди. Йигитни кўриб "кимсан?" деди. Жасур югуриб борib, аёлнинг оғзини ёпди. Бўйнига пичоқ тираб, "Бақирсанг сени ҳам, болаларингни ҳам ўлдираман" деди. Тонг ёришиб қолганди. Нодира кўз қирини йигитга ташлади. Ўгрининг қўлида қора қўлқоп, юзини ўраб, бошидаги кепкани бостириб олганди.

– Пулларинг қаерда? – деди дўқ қилиб Жасур.

– Пулим йўқ.

– Алдама мени, – деди пичоқни аёлнинг бўйнига каттиқроқ тираб.

Нодира қўрқиб кетди.

– Илтимос, болаларимга тегманг! Тиллам бор, – деди.

– Қаерда тилланг? – деди йигит янаям важоҳатлироқ оҳангда.

– Ошхонада. Шкафдаги чойнакда.

Жасур аёлни итариб ошхонага бошлади. Нодира ўз қўли билан 3 миллион 500 минг сўмлик тақинчоқларини беришга мажбур бўлди.

Бир неча кундан сўнг Жасур қулай фурсат топиб, яна кўчага чиқди. Бу гал у Сўғдиёна даҳаси томон йўл олди. Кўп қаватли уйлар атрофини айланиб юриб, орқа эшиги очиқ бир уйга кўзи тушди. Уй эгалари ёз ҳавоси бўлгани учун ташқарида ётганди. Йигит эшикдан уйга кирди. Бу ердан 250 евро, 550 АҚШ доллари ва 25 миллион сўмлик тилла тақинчоқларни олиб чиқди.

Кўп ўтмай у яна Сўғдиёнага келди. Бу сафар очиқ турган дераза орқали бир уйга кириб, 1 миллион 500 минг сўмлик телефон, 150 минг сўм пул ва 100 минг сўмлик сумкани ўмарди. Эгалари тонг оттач уйга ўгри кирганини билишди.

Орган ходимлари унинг қилмишларига чек қўйди. Суд ҳукми билан Жасур Рўзиев ўталмаган жазосини қисман қўшиш йўли билан 11 йилу 6 ойга озодликдан маҳрум қилинди.

КЎЧАДА ЙЎҚОТИЛГАН ИБО

Мансур ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Сирдарё вилояти прокуратураси бўлим бошлиғи

Аллоҳ инсонни азизу мукаррам қилиб яратган. Аммо кейинги пайтларда одамлар орасида болаларини хўрлаш, сотиш, улардан воз кечиш каби хунук ҳолатлар тез-тез учрамоқдаки, буни кечириб бўлмайди.

Йигирма беш яшар қиз бир оиланинг бекаси, ўт-ўчоғи бўлиш ёшида уйидагилар билан келишмай қолади ва "Тошкентга бориб ишлайман" дея чиқиб кетади. Самарқанд вилоятининг Нуробод тумани қишлоқларидан бирида туғилиб ўсган қиз катта шаҳарда ҳали у ерда-ҳали бу ерда ишлаб, қорин тўйдириш пайида юрганида бир куни икки йигит билан танишиб қолади ва уларнинг уйига боради.

У бегона йигитлар билан бегона уйда нималар бўлишини билмасди деёлмаймиз, албатта. Лекин никоҳсиз ҳомиладор бўлиб қолгач, нима қилишини билмай боши қотади. Уйидагиларни "Россияга ишлашга кетдим" деб алдайди. Уларга ҳам қойил қолмасдан илож йўқ, наҳотки бўй етган қиз кўчада юрса-ю, қаердасан дея сўралмаса? Борган жойи билан қизиқилмаса? Ҳуллас, қизлик ибосини кўчада йўқотган Умида (у ўзини шундай атаган) Сирдарё вилояти Сардоба туманида яшовчи икки аёл билан танишиб қолиб, уларникига келади. Дастлаб биринкида, кейинчалик иккинчисиникида яшаб туради. Вақти-соати келиб кўзи ёригач, боласини сотиш ҳаракатига тушиб қолади. Шу ерда у Н. исмли аёл билан танишади ва унга ўз мақсадини айтади.

Қолгани инсон ақлига сиғмайди. Умида 2 миллион сўмни олиб, фарзандини ўзгалар қўлига топширган чоғида ички ишлар ходимлари томонидан қўлга олинади. Ўз боласини сотган онага суд 4 йил қамоқ жазоси тайинлади.

Афсуски, бундай жирканч ҳодисалар жамиятимизда тез-тез учрамоқда. Айрим ота-оналар пул топиш билан оворалиги, болаларни ўз ҳолига қўйиб қўйишлари ёки бўй етган қизларни ҳам "бор, пул топиб кел" деб кўчага чиқариб юборишлари билан миллатимиз шаънига доғ туширмоқда.

Кўча-кўйда қизларга кўз олайтирган ноинсоф йигитлар ўз уйларида опа-сингиллари борлиги, вақти-соати келиб ўзлари ҳам ўғил-қизларга ота бўлишини ўйламаслиги ҳам бор гап. Қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади. Фарзандларингиз сиз қилган гуноҳнинг касрига қолишидан қўрқмайсизми?

ЭҲТИЁТСИЗЛИК

ўлим ва оғир жароҳатларга сабаб бўлди

Жиноят ишлари бўйича Деҳқонобод тумани судида Мансур Жамиловга (исм-фамилиялар ўзгартирилган) оид жиноят иши кўриб чиқилди.

Алишер УМАРОВ,
Деҳқонобод тумани прокурорининг ўринбосари

Маълум бўлишича, судланувчи Мансур Жамилов 1980 йилда туғилган, миллати ўзбек. Маълумоти ўрта-махсус. Оилали, уч фарзанди бор. Аввал судланмаган. "Тожик логистик" фирмасида ҳайдовчи бўлиб ишлайди, Тожикистоннинг Хатлон вилояти Қубодиён тумани Қабла қишлоғида яшаган.

...Ҳаммаси бир зумда рўй берди. Мансур ўшанда салгина ҳушёрроқ бўлганида бу мудҳиш фалокат содир бўлмаган бўлармиди?!

Ўшанда 2018 йил 11 декабрь куни эди. Мансур соат 20:00 ларда "Scania" русумли юк машинасини Тошкент – Термиз йўлининг Деҳқонобод тумани Қарашина шаҳарчаси ҳудудидан ўтган қисмида ҳайдаб бораётган эди. Йўлнинг қарама-қарши томонидан келаётган оқ "Captiva"ни кўрса-да, уни ўтказиб юбормасдан чорраҳадан ташқари жойда машинани чапга бурди. Шу пайт "Captiva" зарб билан юк машинасига урилди...

Оқибатда "Captiva"даги кишилар – туман марказидаги майдончада футбол ўйнаб қайтаётган ҳайдовчи Худойберди Бозоров, йўловчилар Илҳомжон Абдиев, Рустам Раҳимов ва Жавоҳир Абдуғаниев ҳодиса содир бўлган жойда вафот этди, Адҳам Даминов ва Рустам Арзиев эса оғир жароҳатланди.

Маълум бўлишича, судланувчи жабрланувчиларнинг қонуний вакилларидан кечирим ҳам сўрамаган. Уларга етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашни хаёлига ҳам келтирмаган. Аксинча, судда айбига иқрор бўлмади. Қайд этишича, у Қарашина ҳудудига киришда жойлашган ёнилғи қуйиш шохобчасидан ёнилғи олиш учун чап томонга бурилган. Сўнг соатига 5-10 километр тезликда юз метрча юриб, деярли шохобча ҳудудига кирганида қарама-қарши тарафдан юқори тезликда бир машина келиб, машинанинг олд қисмига урилиб, ўтиб кетган. Оқибатда унинг машинасининг рули ишламай қолиб, беш-олти метр наридаги электр устунига урилиб, тўхтаб қолган. Машинадан тушиб қараганида унга урилган ҳалиги машина оқ "Captiva" экан. Мансурнинг қайд этишича, унинг машинаси йўлни тўсиб қўймаган, балки катта тезликда келаётган "Captiva"нинг ҳайдовчиси бошқарувни эплай олмасдан, унинг машинасига урилган.

Бироқ тўпланган далиллар орқали бу гапларнинг асоссизлиги, содир бўлган ҳодисада Мансур Жамилов айбдор экани ўз исботини топди. У Йўл ҳаракати қоидаларининг 59-банди талаблари, яъни релссиз транспортнинг ҳайдовчиси йўлнинг чорраҳадан ташқари жойида чапга бурилиш ёки қайрилиб олишда қарама-қарши йўналишда ҳаракатланаётган транспортларга ва бир йўналишдаги трамвайга йўл бериши шартлиги ҳақидаги қоидага амал қилмаган. Бу унга ва жабрланувчиларга жуда қимматга тушди...

Суд ҳукмига асосан Мансур Жамилов 3 йилга барча турдаги транспортларни бошқариш ҳуқуқидан, 8 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди. Жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарар ҳам ундан ундириладиган бўлди.

FAOLIYATIDAN

СУВНИНГ ҲИСОБИ БОР, УВОЛИ ҲАМ

Нодиржон БОБОРАҲИМОВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги МИБ бўлим бош инспектори



Яккасарой тумани Усмон Носир кўчаси 18-уйда жойлашган Маданият вазирлиги ҳузуридаги Бинолардан фойдаланиш ва уларни эксплуатация қилиш дирекцияси балансидаги "Маданият" меҳмонхонасида ичимлик сувидан фойдаланиш юзасидан текширув ўтказилди.

Текширишда меҳмонхона мансабдорлари "Тошкент сув таъминоти" унитар корхонаси ўрнатган тамғани бузган ҳолда ичимлик сувига тўғридан-тўғри уланиб олгани натижасида корхонага 52 294 880 сўм зарар етказгани аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан меҳмонхона мансабдорларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Улар моддий зарарни тўлиқ қоплагани сабабли жиноят иши тугатилди.

ҚАРЗЛАР УНДИРИЛМОҚДА

Мажбурий ижро бюросининг Термиз шаҳар бўлими иш юритувига юридик шахслардан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш билан боғлиқ ижро ишлари келиб тушган.

Абдумурод МЕНГНОРОВ,
МИБ Термиз шаҳар бўлими бошлиғининг ўринбосари

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида 12 млрд. 436 млн. 374 минг сўм солиқ қарзи ундирилди. Термиз туманлараро иқтисодий судининг "Сурхондарё агрокимёҳимоя" АЖ мулки ҳисобидан Термиз шаҳар давлат солиқ инспекциясига 810 718 400 сўм солиқ қарзини ундириш ҳақидаги қарори юзасидан мажбурий ижро ҳаракатлари олиб борилди. Жамиятга тегишли "Captiva" ва "Nexia 2" русумли автомашиналар хатланиб, жарима майдончасига келтирилди. Жамиятнинг масъул ходимларига қарз тўланмаган тақдирда хатланган мулклар сотувга чиқарилиши тушунтирилгач улар қарзни тўлиқ тўлаб берди.

Бундан ташқари, Термиз шаҳридаги қарздор юридик шахслардан солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш бўйича 12 т а корхонанинг кўчмас мулки ва авторанспортлари хатланиб, "E-ijro auksion" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотувга чиқарилган.

БИНО ҚАЙТАРИЛДИ

Чарос ХОЛИҚОВА,
МИБ Яшнобод тумани бўлими давлат ижрочиси

Бюронинг Яшнобод тумани бўлимида Тошкент туманлараро иқтисодий судининг 2019 йил 27 майдаги ижро варақасига асосан "Texnolog Stan" МЧЖдан "Асака" банкига 7 млрд. 590 млн. 947 сўмлик қарзни ундириш ҳақидаги ижро иши мавжуд.

Мажбурий ижро ҳаракатлари давомида "Texnolog Stan"га тегишли, Тошкент шаҳар Яшнобод тумани Султонали Машҳадий кўчасида жойлашган бино хатланди. Хатланган мулк "E-ijro auksion" ягона электрон савдо майдончаси орқали сотувга қўйилган эди. "Асака" банкининг ижро бўлимига тақдим қилган маълумотномасига асосан қарз тўлиқ тўланган учун ижро иши тамомланган.

Юқоридагиларга асосан "Texnolog Stan"га тегишли бино савдоси бекор қилиниб, у жамиятга қайтарилди.

БИРОВНИНГ ҲАҚҚИ БИРОВДА ҚОЛМАС

Юсуфжон ЁҚУБЖОНОВ,
МИБ Сардоба тумани бўлими давлат ижрочиси

Тўланмаган қарзнинг жавоби оғир бўлади. Ҳисоб-китобни билганлар буни доимо ёдда тутишлари тайин. Чунки ҳисоб-китоб аниқликни талаб қилади.

Оқолтин туманлараро иқтисодий судининг қарорига асосан "Пахтаобод пахта тозалаш" АЖдан Сардоба тумани солиқ инспекциясига жами 1,5 млрд. сўм солиқ қарзини ундириш белгиланган эди. Мажбурий ижро бюроси Сардоба тумани бўлими ходимлари олиб борган ижро ҳаракатлари натижасида қарз тўлиқ ундирилди. Энди "Пахтаобод пахта тозалаш" АЖ раҳбарияти бировнинг ҳақи бировда қолиб кетмаслигини англаб етган бўлса ажаб эмас.

«КИШИБИЛМАС» ЎМАРИШЛАР

Огоҳлантиришларга қарамай, тармоқларга ўзбошимчалик билан уланиб, энергия ресурсларидан ноқонуний фойдаланаётган фуқаролар ҳануз учрамоқда ва тадбирлар давомида бундай истеъмолчилар фош этилмоқда.

Ғуломжон ХАЛИЛОВ,
МИБ Косонсой тумани бўлими катта инспектори

МИБнинг Косонсой тумани бўлими ходимлари 2019 йилнинг 17 июль куни «Бешкетмон» маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Собиржон Турғуновнинг (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Мусоариқ массивидаги боғида ноқонуний ҳолатни аниқлади. Фуқаро қурилиши тугалланмаган бинода электр энергиясидан ҳисобланмасдан фойдаланиб келган экан. Суриштирув натижасида фуқаро бу билан таъминотчи корхонага 2 миллион сўмдан ортиқроқ зарар етказгани маълум бўлди.

С.Турғуновга энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида жарима солинди.

Умуман олганда, 2019 йилнинг 7 ойи мобайнида бюронинг Косонсой тумани бўлими томонидан энергия ресурслари ва ичимлик суви билан боғлиқ 122 та ҳуқуқбузарлик аниқланди. Бу таъминотчи корхонага 215,8 миллион сўм зарар етказилган деганидир.

НЕГА БЎЙИН ТОВЛАШДИ?

Жамиятни ичидан емирадиган иллатлардан бири оилавий ажримлардир. Илгари "фалончи ажрашибди" деган гапни онда-сонда эшитсак ҳам бир сесканардик, ҳозир эса ундай эмас.

Лазиз ИСОЕВ,
МИБ Кармана тумани бўлими бошлиғининг ўринбосари

Кармана туманида бугунги кунда алимент билан боғлиқ 2100 дан зиёд ҳужжат ижрога қаратилган бўлиб, бу камида шунча оила дарз кетган деганидир (яъни, судгача бормай алимент тўлаётганлар ҳам бор). Ҳозирга қадар 4 миллиард сўмдан зиёд алимент қарздорлардан ундириб берилди.

Фуқаро Алишер Жалилов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) вояга етмаган фарзандини моддий таъминлашдан бўйин товлагани учун ўн беш суткага қамалган. Бироқ у бундан ҳулоса чиқармасдан, 2017 йилдан 2019 йилга қадар 7 127 974 сўм алиментни тўлашдан қочиб юрган. Навбатдаги судда эса у жиноий жавобгарликка тортилди.

Шунингдек, қарздор Рустам Жабборовдан ҳам фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундирилиши белгиланган. Алиментни тўламагани сабабли унга ҳам ўн беш сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланади. 2016 йилдан 2019 йилга қадар унинг тўламаган алименти 8 046 783 сўмга етган. Натижада бугунги кунда унга нисбатан ҳам жиноят иши қўзғатилган.

Шу ўринда баъзи оталарнинг алимент тўлашдан бўйин товлаши кишини ўйга толдиради. Бундай одамлар билан халқ ичида обрў қозонган кексалар ва масъул органлар ҳамкорликда иш олиб борса, бу каби муаммолар анча камаяр эди.

КЕЛАЖАК УЧУН 40 МИЛЛИОН

Муроджон АТАНАЗАРОВ,
МИБ Қўшкўпир тумани бўлими бошлиғи

Фуқаролик ишлари бўйича Боғот туманлараро судининг ижро варақасига асосан Б.Рўзметовдан Ф.Юсуповага бир фарзандининг моддий таъминоти учун алимент ундириш тўғрисидаги ижро ҳужжати МИБ Боғот тумани бўлимига келиб тушган. Давлат ижрочиси ижро ишини юритиш тўғрисида қарор чиқариб, нусхасини тарафларга юборган ва ижрога киришган. Шунга кўра қарздорнинг республикадан четга чиқиш ҳуқуқи вақтинча чекланган.



Олиб борилган ижро ҳаракатлари давомида Б.Рўзметовнинг иш ҳақи ва бошқа даромадларининг 1/5 қисми ундириб келинган.


Ижро ҳаракатлари давомида қарздор ва ундирувчи ўзаро келишган ҳамда Ф.Юсупова қарздордан фарзанди учун 40 миллион сўм пул олгани сабабли ушбу ижро ишини тамомлашни сўраган. Шундан кейин ундирувчининг тилхатига кўра мазкур ижро ҳужжати тамомланган.

Ҳа, бу фарзанд келажаги учун қилинган яхши иш, лекин отанинг фарзандига меҳри ва эътибори шу билан тўхтаб қолмаса бўлди...

Москвада Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф асарлари ўрганилмоқда.

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ИНСТИТУТЛАРИ БИЛАН ЎЗАРО ҲАМКОРЛИК

Нодавлат нотижорат ташкилотлари (ННТ) Ўзбекистонда замонавий фуқаролик жамиятини шакллантириш, демократияни қарор топтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим бунёдкорлик ролини ўйнайди.



Шундай экан, бу йилги сайловлар жараёнида нафақат сиёсий партиялар ва масъул давлат органларининг вакиллари, балки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакиллари ҳам бевосита фаол иштирок этиши ҳамда жамоатчилик назорати ҳуқуқидан самарали фойдаланиши учун норматив-ҳуқуқий асослар яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича республика кенгаши, Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази, Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Меморандум доирасида самарали ҳамкорлик қилишга қаратилган бир қатор ишлар амалга оширилади.

Жумладан, Сайлов кодексининг 8-моддасига асосан, сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларидан муносиб номзодлар кузатувчи сифатида иштирок этиши таъминланади.

Участка сайлов комиссияларига сайловчилар рўйхатини аниқлаштиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг вакиллари яқиндан кўмаклашади. Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш, зарурратига кўра аниқлаштириш ишларига кўмаклашиш ташкил этилади.

Тегишли сайлов комиссиялари аъзолигига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзларининг фаол аъзолари орасидан номзодларни тавсия этади.

Бундан ташқари, томонлар ҳамкорликда сайлов жараёнига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга оид масалаларни ўрганиш мақсадида малакали мутахассисларни жалб қилиш ҳамда сайлов кодексига киритилган демократик сайлов стандартларининг моҳиятини очиб беришга қаратилган тадбирлар, семинарлар, тренинглар, давра суҳбатлари ўтказади. Ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга оширишда, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқади.

Тадбирда Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов сайлов жараёнлари, сайловга кўрилаётган тайёргарлик ишлари хусусида тўхталиб ўтди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи 150 та сайлов округи ва округ сайлов комиссиялари, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов ўтказувчи 6 минг 567 та сайлов округлари тузилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайлов ўтказувчи округ сайлов комиссиялари томонидан жами 10 минг 252 та сайлов участкаси, шунингдек, республикамизнинг хорижий давлатлардаги дипломатик ваколатхона ва консуллик идораларида 53 та сайлов участкаси тузилди.

Сайловларда кузатувчи сифатида қатнашиши учун 49 давлат ва 8 ташкилот, 316 нафар кузатувчига таклифномалар юборилди.

Янги Сайлов кодексига биноан 22 декабрда бўлиб ўтажак сайловларда ўзини-ўзи бошқариш органларидан кузатувчиларнинг иштирок этишига рухсат берилиши маҳаллага бўлган эътибор янада ортганлигидан далолат.

Шунингдек, Президентимизнинг 2019 йилнинг 30 октябрдаги «Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази фаолиятини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори билан Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази этиб қайта ташкил этилди.

Рақобатдош кўп партияли тизимнинг ривожланиш даражасини тизимли таҳлил қилиш, сиёсий партиялар томонидан ўз электорати манфаатлари йўлида ўтказиладиган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, фуқаролик жамияти институтларини ривожлантириш, фуқаролар фаоллигини ошириш кабилар марказнинг асосий вазифалари этиб белгиланди. Бу, ўз навбатида, сайловларнинг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлашда, халқаро стандартлар асосида ташкил этилишида мазкур янги тузилма билан ўзаро ҳамкорликни янада кучайтиришни тақозо этади.

Меморандум замирида Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари вакилларининг Сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш ва сайлов жараёнини янада демократлаштириш соҳасида ўзаро ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, қўшма лойиҳа ва тадбирларни амалга ошириш мақсади мужассам.

ЎзА

QONUNCHILIKDA YANGILIK

Қонун ҳужжатлари ижросини мониторинг қилиш тизими жорий қилинди

"Ҳуқуқий мониторингнинг замонавий механизмлари асосида қонун ҳужжатлари ижросининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди, деб маълум қилмоқда «Ҳуқуқий ахборот» канали.

Қарорга мувофиқ, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тизими жорий қилинди.

Мониторингнинг асосий вазифалари қонун ҳужжатлари ижросининг ягона амалиётини жорий этиш, уларнинг Ўзбекистон қонунлари ва халқаро мажбуриятларига мувофиқлигини таъминлаш, қонун ҳужжатларидаги ягона тушунча ва атамалар тизимини яратиш кабилардан иборат.

Қарорга кўра, мониторинг Ҳукумат томонидан тасдиқланадиган ҳуқуқий мониторинг ўтказиш режасига мувофиқ амалга оширилади.

Мониторинг давлат бошқаруви органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида тартибга солиш предмети бўлган қонун ҳужжатлари бўйича ўтказилади.

Адлия вазирлиги давлат бошқаруви органларининг ҳуқуқий мониторинг ўтказиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича масъус ваколатли орган этиб белгиланди.

Шу муносабат билан вазирликка давлат бошқаруви органлари ўтказадиган ҳуқуқий мониторингда иштирок этиш ва ҳуқуқий мониторингни ўтказишдаги қоидабузарликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимнома киритиш каби ҳуқуқлар берилди.

Қарор билан, шунингдек, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросининг ҳуқуқий мониторингини ўтказиш тартиби тўғрисида низом тасдиқланди.

Ҳуқуқий мониторингни ўтказиш билан боғлиқ жараёнлар Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва келишишнинг ягона электрон тизимида ташкил этиладиган махсус электрон майдончада амалга оширилади.

КЕЛГУСИ СОНДА

Эрининг хиёнатини ҳазм қила олмаган аёл ўзи ва болаларига ўт қўйиб юборди.

HUQUQ
YURIDIK GAZETA

MUASSIS:
O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi

BOSH MUHARRIR:
Jahongir MAKSUMOV

TAHRIR HAY'ATI:
Erkin YULDASHEV
Halim BOLTAYEV
Sodiqjon NAZAROV
Hayot SHAMSUTDINOV
Utkirjon DEXKANOV
Maqsudali QAMBAROV

TAHRIRIYAT MANZILI:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40,
Faks: 233-10-53, 233-64-85

www.huquq.uz
info@huquq.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallari ko`chirib bosilganda manbaa sifatida gazeta nomi ko`rsatilishi shart.
[t] – tijorat materiali.

Buyurtma v-3883.
15 934 nusxada bosildi.
Oog'oz bichimi A-3, hajmi 3 bosma toboq.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatchi muharrir: **H.NISHONOV**
Sahifalovchi: **S.BOBOJANOV**

Gazeta haftaning payshanba kuni chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Nashr ko'rsatkichi 231

Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.

ISSN 2010-7617

Қозоғистон бензинни автотранспортда олиб чиқиб кетишга тақиқ қўйди.

МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ



Юртимизда қонунийликни мустаҳкамлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётган инсон Баҳром Абдукаримов қутлуғ 60 ёшни қарши олмоқда.

У прокуратура органлари тизимидаги фаолияти давомида департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармаси криминалистика лабораторияси катта криминалисти, Сергели тумани бўлими инспектори, бўлим катта инспектори, Қўнғирот тумани бўлими суриштирувчиси, Сирдарё вилояти бошқармаси навбатчи қисм катта инспектори, бўлим суриштирувчиси лавозимларида самарали хизмат қилиб, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш каби касбий вазифаларни бажаришга масъулият билан ёндашди.

Самимийлик ва фидойилик каби фазилатлари билан ҳамкасблари орасида ҳурмат қозонди.

Айни пайтда у департаментнинг Сирдарё вилояти бошқармасида криминалистика лабораторияси катта криминалисти вазифасида фаолият юритмоқда.

Баҳром Абдукаримовнинг самарали меҳнати прокуратура раҳбарияти томонидан муносиб баҳоланиб, бир неча марта рағбатлантирилди.

Ҳурматли Баҳром Абдукаримов, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга мустаҳкам соғлиқ, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик ҳамда фаровонлик тилаймиз!

Мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлашга муносиб улуш қўшиб келаётган инсон Тоҳиржон Холиқов қутлуғ 60 ёшни қарши олмоқда.



У прокуратура органлари тизимидаги фаолияти давомида Бош прокуратура ҳузуридаги департаментнинг ҳужжатли текширишлар бўлими бошлиғи, департаментнинг Фарғона вилояти бошқармаси бошлиғи, Сирдарё вилояти бошқармаси бўлим бош тафтишчиси лавозимларида самарали хизмат қилди.

Ишлаш жараёнида меҳнатсеварлик, изланувчанлик, адолатпарварлик, ташаббускорлик каби фазилатлари туфайли барчанинг ҳурмат-эътиборини, ишончини қозониб келди.

Айни пайтда Тоҳиржон Холиқов департаментнинг Тошкент шаҳар бошқармасида бўлим тафтишчиси вазифасида ишламоқда.

Унинг самарали меҳнати учун прокуратура раҳбарияти томонидан бир неча марта рағбатлантирилди.

Ҳурматли Тоҳиржон Мусаевич, таваллуд айёмингиз муборак бўлсин! Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, хонадонингизга файзу барака тилаймиз!

Департаментнинг Тошкент шаҳар ва Сирдарё вилояти бошқармалари жамоалари

SPORT



Шомуродовга «Севилья» қизиқиб қолди

Европа лигасининг бир неча карра чемпиони ҳамюртимизни кузатмоқда.

Россия чемпионатида фаолият юритаётган Элдор Шомуродовга қизиқаётган клублар сони яна биттага кўпайди. Бу ҳақда «Спорт» телеканали шарҳловчиси Бобур Акмалов «Telegram»даги саҳифасида хабар берди.

"Ҳа, «Ростов» ғалабани қўлдан чиқарди, Шомуродов гол урмади, лекин сизга бир янгилигимиз бор. «Севилья» клуби спорт директори Рамон Мончига яқин манбаларга кўра Элдор Шомуродов фамилияси Андалусия жамоаси "long-list"ида бор. Қишки трансфер вақтида эмас, кейинги ёзда очилажак ойна вақтида ўзбек ҳужумчиси «Севилья» клубига ўтиши эҳтимоли бор", – деб ёзган Бобур Акмалов.

Эслатиб ўтамиз, Элдор Шомуродовга ҳозир Россиянинг ЦСКА ва Германиянинг «Штутгарт» клубидан жиддий таклифлар бўлмоқда.

«Реал» Стерлингни харид қилмоқчи

Мадриднинг «Реал» клуби «Манчестер Сити» жамоаси яримҳимоячиси Раҳим Стерлингни харид қилмоқчи. Хабарларга қараганда, испан клуби инглиз футболчиси учун 70 миллион фунт ва яримҳимоячи Гарет Бэйлни таклиф қилмоқчи.



«Реал» клуби вакиллари Стрелингни Англиянинг Черногория ва Косово термаларига қарши ўйинларида кузатиб боришади.

«Реал» клуби президенти Флорентино Перес Стерлингнинг нархи ошишини тушунган ҳолда трансферни имкон қадар тезроқ амалга оширмоқчи.

Ўз навбатида Перес Стерлинг борасида «Манчестер Сити» билан келиша олмаса, Неймар учун ҳаракат қилиб кўради.

Хабарларга кўра «қироллик клуби» бразилиялик футболчининг трансфери учун 231 миллион евро ажратади.

Роналдунинг сартарошига суиқасд қилинди

«Ювентус» клуби ҳамда футбол бўйича Португалия терма жамоаси ҳужумчиси Криштиану Роналдунинг бош сартароши Рикардо Маркес Феррейра Цюрихдаги меҳмонхонада ўлик ҳолда топилди. Меҳмонхона ходими 2 ноябрь куни Феррейра хонасига тозалашга кирганида пичоқланган сартарошни кўриб қолган. Унинг сўзларига кўра Маркес қонга ботган ҳолда ётган, хонадан эса спиртли ичимлик ҳиди келиб турган.

Ҳозирча Рикардо Маркесни ким ўлдиргани маълум эмас. Полиция текширувни бошлаб юборган.

Онасининг арзандаси аразда

«Ювентус» клуби футболчиси Адриен Рабьо қишки трансфер ойнаси вақтида бошқа жамоага кўчиб ўтиши мумкин.

Рабьо ёзда эркин агентга айланганидан сўнг ПСЖдан «Ювентус» сафига қўшилган эди. Бироқ Рабьо ўтган вақт ичида майдонга жуда кам туширилаётганидан норози бўлмоқда.

Рабьонинг онаси ва агенти Вероник ўғлининг Турин клубидан кетишини хоҳламоқда ва унинг учун янги клуб излашни бошлаб юборган.

Эслатиб ўтамиз, жорий мавсумда 24 ёшли Рабьо «Ювентус» клуби таркибида олтита ўйинда майдонга тушган.

Иброҳимович «Милан»га қайтиши мумкин

АҚШнинг «Лос-Анжелес гэлакси» клуби ҳужумчиси Златан Иброҳимович Италиянинг «Милан» клубига қайтишга яқин турибди.

Айтилишича, 38 ёшли ҳужумчига "Милан" клуби таклиф билан чиққан. "Милан" раҳбарияти Златаннинг Миланга қайтишига ишонмоқда.

Жамоанинг собиқ футболчиси Антонио Кассано швециялик ҳужумчи Златан Иброҳимовичнинг Италия клубига қайтиши мумкинлиги ҳақида гапирди.

"Иброҳимович "Милан"даги вазиятни ўнглашни ягона йўли. Златан ўзи билан бирга тўп тепаётганлар орасида энг яхшиси бўла олади. Златан Италияга қайтишни истамайдими? Менимча, унга 1,5 йиллик шартнома таклиф этилса, у бу таклифни қабул қилади", – дейди Кассано.

Эслатиб ўтамиз, швециялик ҳужумчи «Милан» клуби таркибида 2010 йилнинг август ойидан 2012 йилнинг июль ойигача тўп сурган.



Интернет хабарлари асосида тайёрланди

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси ҳамда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик маркази прокуратура фахрийси

Махсетбай ХАЛМУРАТОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Самарқанд вилояти прокуратураси жамоаси вилоят прокуратураси бўлим прокурори Искандар Камоловга волидаи муҳтарамаси

Раҳима аянинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси жамоаси бюронинг марказий аппарати бўлим катта инспектори Шуҳрат Шариповга волидаи муҳтарамаси

Дилором ШАРИПОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МИБ Сурхондарё вилоят бошқармаси жамоаси бюронинг вилоят бошқармаси катта инспектори Сухроб Қурбоновга волидаи муҳтарамаси

Гулчеҳра ҒАНИЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Шу йилнинг 10 декабрь санасида Куала Лумпур шаҳридаги ОФК штаб-квартирасида навбатдаги Осиё чемпионлар лигаси ва ОФК кубогига қуръа ташлаш маросими бўлиб ўтади.